

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ  
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

**Кўлёзма ҳуқуқида**

**УДК 894.375**

**“Ўзбек адабиёти” кафедраси**

**ОМОНОВА МУБОРА АБДУРАЗЗОҚОВНА  
“НАВОИЙ ИЖОДИДА ФУТУВВАТ ҒОЯЛАРИНИНГ  
БАДИИЙ ТАЛҚИНИ”**

**(“Сабъан сайёр” достони асосида) мавзусидаги**

**Мутахассислик: 5A141102 - Ўзбек адабиёти**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Ҳимоя қилишга рухсат

Магистратура бўлими бошлиғи

\_\_\_\_\_М.Эсанов

2012 й «\_\_\_\_»июнь

“Ўзбек адабиёти”

кафедраси мудири

\_\_\_\_\_ф.ф.н.,доц К.Муллаҳўжаева

Илмий раҳбар

\_\_\_\_\_ф.ф.н.,доц К.Муллаҳўжаева

Тошкент-2012 йил

## Мундарижа

КИРИШ.....	3
1-БОБ. ФУТУВВАТ ТАЪЛИМОТИ, УНИНГ БАДИИЙ ИЖОДГА ТАЪСИРИ	
1.1. Футувват таълимотининг бадий адабиётга кириб келиши ва унинг тадрижий такомил.....	9
1.2. Навоий асарларида футувват ғоялари ифодаси.....	23
2-БОБ. “САБЪАИ САЙЁР” ДОСТОНИДА ФУТУВВАТ ҒОЯЛАРИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ	
2.1. Ахийлик ва саховат, унинг дoston ҳикоятларида ёритилиши.....	28
2.2. Жавонмардлик ва “Сабъаи сайёр” ҳикоятлари.....	37
3-БОБ. ФУТУВВАТ ҒОЯЛАРИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМЛАШТИРГАН ТИМСОЛЛАРНИ ЯРАТИШДА ШОИР МАҲОРАТИ.....	47
Хулоса.....	62
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	66

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мустақиллик шарофати ҳамда илму фандаги ўзгаришлар маънавий меросимизни тадқиқ этиш жараёнида юксак ютуқларга эришишимизга кенг йўл очиб берди. Маданий меросимизни асраб-авайлаш, уни келажак авлодга тўлиқ етказиш, албатта, муҳимдир. Юртбошимиз И.А. Каримовнинг: “Энг муҳим вазифа шундан иборатки, ўзлигимизни теран англаб, мутафаккир боболаримиз, азиз-авлиёларимиз қолдирган бебаҳо меросни авайлаб-асраб, яна бойитишимиз, улуғ аجدодларимиз ишининг муносиб давомчилари бўлмоғимиз даркор” [1, 99-104-бет.] , – деган фикрлари миллий меросимизни ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан далолат беради. Бу эса бизни мумтоз меросимизни мукамал тадқиқ этишга ҳамда баркамол авлодни айни шу руҳда тарбиялашга ундайди.

Алишер Навоий асарларини ўрганиш ва ўргатиш барча замонлар учун долзарб. Инсон камолоти ҳақидаги қарашларини ҳар бир асарига сингдирган шоир ўз даврида шаклланган таълимотларни ҳам ўрганди, улардан мажозий йўлда фойдаланиш имконини топди. Улардан бири футувват таълимотидир.

Араб тилида футувват сўзи “фата” сўзидан ясалган бўлиб, “ёш йигит”, “йигит” маъносини англатади. Ушбу сўзнинг янада мавҳумроқ маъноси – ботирлик, мардлик, жасурлик деганидир. Жоҳилийлар даврига келиб ушбу сўзнинг икки хил маъноси пайдо бўлади: жасурлик ва сахийлик.

Қуръон каримда футувват сўзидан ясалган “Ғор”, “Юсуф”, “Аёллар” ва “Нур” (олам) суралари вужудга келади. Оятларга кўра мулоҳазаларда ушбу сўзлар турли хил изоҳланади ва икки ёки уч ҳолатда ботирлик ва сахийлик тушунчаларини беради. Мухаммад Ухудий даври жанглирида имом Алига нисбатан “фата” сўзи қўлланилган бўлиб, у динсизлар (кофирлар) билан курашда “Алидек бошқа ботир киши йўқдир” деб мардларча жанг қилади.

Омеядлар даврига келиб “футувват” сўзининг маъноси сезиларли кенгайиб, ботирликнинг турли кўринишларини ўзида бирлаштиради. Аммо семантик қатор асосини қурбонлик тушунчаси ташкил этар эди. Бу нарса сўфий (тасаввуф) мардлигининг биринчи хусусияти ва бу нарсани амалга ошириш ҳақиқий мусулмон фарзи саналар эди. Бу тушунча ўз ичига ислом учун муқаддас жангларга киришиш каби тушунчаларни ҳам ўз ичига олган. Сўфийликнинг сўнги даврларида дарвешлик бўйича асосий эътибор кучайиб, бунда “кичик” жиҳатдан “каттасига” томон, яъни ўз руҳий ҳиссиётларига қарши курашиш шаклига ўтиш кузатилади. Шундай қилиб, жасурлик ва саховат сўзларига синоним бўлган “футувват” сўзи орқали яхши хулқ ва қурбонлик тушунила бошланди. Мазкур тушунча ўз ичига унинг уч таркибини: 1) ўзгармас эътиқод; 2) ишончсиз мукофотга ҳамду сано айтиш; 3) сахийлик тушунчаларини олади.

IX асрдан бошлаб футувват ва мардонавор ҳаракатлар диний адабиёт доирасидан четга чиқиб, ёзувчи ва ҳикоячилар томонидан куйга солиниб, каламга олина бошланди. Футувват ғояларининг “Футувватнома” ва халқ ҳикоялари ва дostonларида мавжуддир.

Футувват бўйича энг қадимги манбалардан бири “Қобуснома”дир, у Унсур ал-Маъли Кайковус ибн Искандар томонидан яратилган. Ушбу китобнинг сўнги (қирқ саккизинчи) бобида, айнан яхши эр ўзини қандай тутиши ҳақида гапирилади. “Қобуснома”нинг тушунчаларидан келиб чиқиб, ўша вақтларда илк футувват таълимоти жамиятнинг турли хил соҳаларида ахлоқий амалиёт сифатида кенг тарқалган. Ҳар бир киши ўз ишида эзгуликни тарқатишга ҳаракат қилган. Футувват ва унинг меъёрлари уддабуронлик, олийжаноблик ва бошқа хатти-ҳаракатларни ўз ичига олган. Табиийки, бу хатти-ҳаракатлар ушбу соҳада янги урф-одат ва анъаналарнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Айнан шунинг учун, бир тарафдан, ўзларини курашчилар, уддабуронлар ва олийжаноб деб ҳисоблашган бўлса, бошқа

тарафдан бозор хунармандлари ва савдогарлари олийжаноб киши ҳатти-харакатларининг алоҳида қоидаларини ишлаб чиқишган.

Гарчи ушбу таълимот темурийлар даври адабиётида очик-ойдин ифода топмаган бўлса-да, унинг ғоялари илғор шоирлар асарларига сингган эди. Навоий бу масала борасида, айниқса, “Сабъаи сайёр” достонида муҳим фикрлар айтишга эришади. Диссертацияда Навоийнинг мазкур достонида илгари сурилган муҳим инсонпарварлик ғояларини футувват таълимотидаги саховат, жавонмардлик каби масалаларга боғлаб ғоявий-бадий нуктаи назардан ўрганиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқот мақсади.** Навоий ижодида футувват ғояларининг бадий талқинини “Сабъаи сайёр” достони мисолида ўрганиш.

**Тадқиқотда белгиланган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар қўйилди:**

- тасаввуф ва футувват, футувват таълимотининг назарий асослари ва тарихини ёритиш;
- Алишер Навоий асарларида футувват таълимотининг ўрнини аниқлаш;
- “Сабъаи сайёр” достонида футувват ғояларини очиб бериш;
- ахийлик ва саховат муаммоси, унинг дoston тимсолларидаги (Ахий, Фаррух ва бошқалар) талқинини тадқиқ этиш;
- жавонмардлик сифатининг “Сабъаи сайёр” достонидаги бадий талқинини ёритиш;
- футувват ғояларини ўзида мужассамлаштирган тимсолларни яратишда шоир маҳоратини ўрганиш.

**Тадқиқот объекти.** Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони.

**Тадқиқот предмети.** Навоий ижодида, хусусан, “Сабъаи сайёр” достонида футувват таълимотининг ғоявий-бадий хусусиятларини ҳикоятлар мисолида тадқиқ этиш тадқиқот предметини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг илмий фарази.** Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонидаги футувват ғояларини тадқиқ этиш орқали ушбу таълимотнинг бадиий ижодга таъсири ҳамда бадиий адабиётнинг бу таълимотдаги ахийлик, жавонмардлик, саховат каби ғояларини тарғиб этишдаги имконияти кўрсатилади.

**Тадқиқот методлари.** Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг миллий кадриятлар, маънавиятни юксалтириш ва тарғиб этишга доир дастурий характердаги фикрлари ҳамда ҳозирги адабиётшунослик фани эришган ютуқлардан методологик асос сифатида фойдаланилди. Шунингдек, тадқиқот марказига қўйилган масалаларни ҳал этишда Е.Э.Бертельс, А.Ҳайитметов, Б.Валихўжаев, Ё.Исҳоқов, Н.Комилов, И.Ҳаққулов ва Султонмурод Олим каби олимларимизнинг муҳим назарий фикрларига таянилди. Ишда асосан адабий таҳлил, қиёсий таҳлил усуллари қўлланилди. Булардан ташқари тадқиқот ишида матн талқини, аналитик таҳлил усуллари ҳам фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг ишланганлик даражаси.** Алишер Навоий инсон маънавий камолоти учун хизмат қилувчи ижодий мероси билан жаҳон адабиётида муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунга қадар Навоий ижодий меросига бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Е.Э.Бертельс, О.Шарафиддинов, С.Айний, Ойбек, М.Шайхзода, Ҳ.Сулаймон, В.Зоҳидов, Иззат Султон, В.Абдуллаев, Н.Маллаев, А.Қаюмов ва А.Ҳайитметовнинг илмий ишлари навоийшуносликнинг махсус йўналиш сифатида қарор топишида пойдевор бўлиб хизмат қилди. С.Ғаниева, Р.Воҳидов, Ё.Исҳоқов, А.Абдуғафуров сингари олимларимиз шоир ижодини янада чуқурроқ ўрганишга интилдилар. Навоий ижодининг зоҳирий ва ботиний маънолар уйғунлигида ўрганила бошланиши навоийшунослар имконияти кенгайганлигини кўрсатади. Бу йўлдаги дадил қадамлар Н.Комилов, И.Ҳаққул, С.Олим ва бошқа олимлар томонидан ташланди. Бугунги кунда бу масала махсус ўрганилмоқда.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Кейинги йиллари Алишер Навоийнинг лирик ва эпик асарларини тасаввуф таълимотига боғлаб ўрганиш анъанаси шаклланди. Бироқ шоир асарларида футувват таълимотининг ўрни, бадий талқини масаласига кам эътибор берилган. Ушбу диссертацияда бу масала илк бор монографик планда тадқиқ этилмоқда.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Ушбу магистрлик диссертацияси футувват таълимотининг пайдо бўлиши ва бадий ижоддан ўрин эгаллаш тарихи ҳақида маълумот беради. Шунингдек, Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонидаги футувват ғояларини тадқиқ этиш орқали ушбу таълимотнинг бадий ижодга таъсири ҳамда бадий адабиётнинг бу таълимотдаги ахийлик, жавонмардлик, саховат каби ғояларни тарғиб этишдаги ўрни кўрсатиб берилди. Диссертация баркамол авлодни тарбиялашда маънавий-маърифий қимматга эгаллиги билан эътиборга моликдир.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги.** Тасаввуф ва футувват, футувват таълимотининг назарий асослари кўрсатиб берилди; Алишер Навоий асарларида футувват таълимотининг ўрни ўрганилди; “Сабъаи сайёр” достонида футувват таълимотининг бадий ифодаси таҳлил қилинди; ахийлик ва саховат муаммоси, унинг дoston тимсолларидаги (Ахий, Фаррух ва бошқалар) талқини ва жавонмардлик сифатининг “Сабъаи сайёр” достонидаги бадий талқини ўрганилди; футувват ғояларини ўзида мужассамлаштирган тимсолларни яратишда шоир маҳорати ёритиб берилди.

**Амалий аҳамияти.** Диссертацияда тадқиқ қилинган материаллардан “Тасаввуф ва тасаввуф адабиёти”, “Ўзбек адабиёти тарихи” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги.** Ушбу тадқиқот материалларидан олий ўқув юртлари талабалари учун да маърузалар ўқишда, амалий ва семинар машғулотлари ўтказишда, махсус курслар ташкил этишда ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун дарслик ва

кўлланмалар яратишда, маънавиятга оид тадбирлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг тажриба-синов майдони.** Тадқиқот иши юзасидан Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультетида синов ишлари олиб борилди.

**Тадқиқот ишининг тузилиши.** Диссертация кириш, тўрт фаслни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Унинг ҳажми 75 бет.

## **БИРИНЧИ БОБ. ФУТУВВАТ ТАЪЛИМОТИ, УНИНГ БАДИИЙ ИЖОДГА ТАЪСИРИ**

### **1.1. Футувват таълимотининг бадий адабиётга кириб келиши ва унинг тадрижий такомилли**

Умрни дўстлар хизматига бағишлаш, фақат яхшилиқни ўйлаб, яхшилиқ қилишдан чарчамаслик, эзгу хулқ-атворга эга бўлиш, борини ўзгалар билан баҳам кўриб, муҳтожлар ҳожатини чиқариш, пиру устозлар, дўст-биродарлар номуси, шарафини ҳимоя этиш, зоҳиран ва ботинан пок юриб, ҳалол-покиза инсонлар суҳбатини қозониш каби сифатларни ўзида мужассамлаштирган кишилар бизнинг тарихимизда кўп бўлган. Улар жамоа бўлиб уюшиб, ўз эзгу ниятларини амалга оширар эдилар. Уларни **жавонмардлар, ахийлар ёхуд фатийлар** деб атардилар (“жавонмард” – мард йигит демакдир. “Фатий” сўзи ҳам шу маънони билдиради, “ахий” – биродар, дўст демак), уларнинг тариқати – маслағи эса жавонмардлик ёки футувват деб юритилган. Қадимий Хуросон ва Мовароуннаҳр шаҳарларида X асрдан бошлаб жавонмардлик ҳаракати анча кенг ёйилган эди. Жавонмардлар муайян қоида-талабларга риоя этар, маънавий ва жисмоний етукликка интилар, қаердаки бўлмасинлар ва нима иш билан шуғулланмасинлар, мардлик ва олийжаноблик намунасини кўрсатар, зулм ва ҳақсизликка қарши курашардилар, хўрланганлар ва таҳқир этилганларни ҳимоя қилардилар. Улар наздида дунё бойлиғи эмас, балки инсон қадри устун турган, жавонмардлар олтин-кумушни назар-писанд қилмаганлар, **балки** уни маънавият тараққиёти учун бир восита деб караганлар, холос. Араб сайёҳи Ибн Батута “Сафарнома” китобида ёзади: “ Мен дунёни кезиб, бундай одамлар (яъни жавонмардлар)дан кўра эзгу ниятли ва эзгу хулқли кишиларни кўрмадим. Шероз ва Исфаҳон аҳолиси гарчи ўзларини жавонмардларга ўхшатсалар-да, аммо улар ( яъни Хоразм ва Мовароуннаҳр жавонмардлари) ғариб-мусофирларни сийлаш ва меҳмондорчиликда улардан баланд турадилар. Уларни Ироқда шотир,

Хуросонда сарбадор, Мағриб (Андалусия)да сукра (“сукра” – маст демак) дейдилар. Уларга тобе жойларда адолат расми шундай ривожланганки, уларнинг лашкаргоҳлари, уйлари остонасида олтин ва кумуш тангалар ерга сочилиб ётади ва эгаси топилмагунча ҳеч ким бу пулларга тегмайди”.

Жавонмардлар оддий халқ ичидан чиққан ҳунармандлар, сипоҳийлар, кўчаларда томоша кўрсатувчи халқ театри вакиллари, паҳлавонлар, кизиқчилар, дарбозлар ва бошқа тоифалардан ташкил топган. Улардан ҳар бирининг пири, ўз жамоаси, таълим берувчи устозлари, йиғиладиган жойлари бўлган. Руҳоний пирга қўл бериб, устоз ҳузурида аҳду паймон қилиб, мардлик белбоғини белига боғлаган жавонмард бир умр ўз аҳдига содик қолишга интилган, ўз шахсий ҳаётини жамоа ҳаёти учун, биродарлари учун фидо этган. Жавонмардлар жамоасига қабул қилинган ёш йигит “фарзанд” деб, унинг белига аҳд белбоғини боғлаган устоз “ота” деб юритилган. Жавонмардлар шу зайлда бир-бирларининг ака-укалари, биродарлари ҳисобланганлар ва биродар биродари учун мол-жонини бағишлашга тайёр турган.

Яна бир араб олими Ибн Ҳавқал Мовароуннаҳр жавонмардлари ҳақида бундай ҳикоя қилади: “Мовароуннаҳр халқининг жавонмардлиги шу даражадаки, гуё барчаси бир хонадонда яшаётгандекдирлар. Бирортаси бошқасининг уйига борса, ўз уйига киргандай бўлади. Жуда меҳмондўстдирлар ва кечаси келадиган меҳмондан хижил бўлмайдилар, мусофирни танимасалар ҳам ҳеч бир музд-мукофот кутмай, меҳрибонлик кўрсатадилар”.

Жавонмардлар мазлумларни золим шоҳлар, маҳаллий ҳокимлардан ҳимоя қилиш, моддий ёрдам кўрсатишдан ташқари, уюшиб ташқи душманларга қарши курашганлар ҳам. Улар орасидан атоқли лашкарбошилар, халқ қаҳрамонлари етишиб чиққан. Олимлар Абу Муслим, Муқаннаъ, Яъқуб ибн Лайс, Мазайра, Маҳмуд Таробий каби араб, мўғул босқинчиларига қарши жанглarda бошчилик қилган қаҳрамонларни

жавонмардлар вакили деб ҳисоблайдилар. Ибн Батутанинг сарбадорларни жавонмардлардан деб айтиши ҳам буни тасдиқлайди. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, X-XIII асрларда феодал ҳокимларга қарши, кўчманчи қабила-уруғларнинг талончилик юришларига, шаҳар ҳунармандларининг норозилигини ифодалаган жавонмардлик ҳаракати аста-секин XV асрларга келиб, ўзининг муқобиллик кўрсатиши кучини йўқота боради, яъни ҳоким синфларга муҳолифликдан барча тоифа-табақаларни уюштирувчи ҳаракатга айланади. Энди фақат ўртаҳол ҳунармандлар, савдогарлар, санъат ва адабиёт аҳли эмас, шахзодалар, бойлар, амир ва амирзодалар ичидан ҳам футувватга аъзо бўлиш, унинг қоида-низомларини қабул қилишга интилиш пайдо бўлади. Лекин шунга қарамай, барибир футувватнинг асосини шаҳар ҳунармандлари ташкил этар эди.

Ҳар бир одам саховат кўрсатиш, мусофирни сийлаш, камбағаллар, ғарибларга ёрдам беришни шарафли бурч, одамийлик сифати деб қараган ва бу хислат бизда оммавий тус олган эди. Жавонмардларнинг ахлоқи бу жамоага аъзо бўлмаган кишиларга таъсир этганди. Самарқанд, Бухоро, Хўжанд, Урганч, Хива, Тошкент, Марғилон шаҳарларининг аҳолиси меҳмондўстлиги билан дунёга ном таратган эди. Ўзига тинч сармоядор кишиларнинг ички ва ташқи ҳовлиси, махсус меҳмонхоналари, карвонсаройлари бўлган. Бу карвонсаройлар, меҳмонхоналарнинг хизматлари доим меҳмонлар хизматида бўлиб, барча лозим нарсаларни мухайё этиб турганлар. Бундан ташқари, работ, зовия ва хонақоҳлар ҳам мусофир дарвешлар, сайёҳлар учун ҳамиша очиқ бўлган. Эрон, Афғонистон, Марказий Осиё, Кавказ шаҳарларини кезиб чиққан Ибн Батутанинг ёзишича, хонақоҳларда мусофирлар ва дарвешлар хоҳлаганларича, неча кун бўлса, шунча яшаганлар, уларга текин озик-овқат ва кийим-кечак берилган. Агар мусофир сафарни давом эттирса, у от-улов, зарур асбоб-анжом ва йўл харжи бўладиган маблағ билан таъминланиб хурсанд қилиб жўнатилган. Одоб шундай эдики, хонақоҳга қадам қўйган кишидан уч кунгача, сен қаердан

келдинг, кимсан деб суриштирилмасди. Меҳмон уч кун лутфу марҳамат кўриб, яхшилаб ҳордиқ чиқарар, ҳаммомга тушиб ювинар ва шундан сўнг хонақоҳ шайхи уни қабул қилиб, суҳбатлашарди. Ибн Батута, масалан, элликдан ортиқ хонақоҳ ва зовияларда кўниб, бемалол иззат-ҳурматда яшаганлиги ва шайхлар, шаҳар ҳокимлари, амирлар ва ҳатто сарой хонимларидан меҳрибонликлар кўриб, тухфалар олгани ҳақида ҳикоя қилади. Чунончи, Мовароуннаҳр подшоҳи султон Тармашириннинг ғайрат-шижоати, сахийлиги, адолатпарварлиги хусусида тўлқинланиб гапирган. Тармаширин Чиғатойнинг укаси бўлиб, исломни қабул қилган, художўй ва дарвештабиат инсон бўлган. У маҳаллий халқлар билан иноқликда яшаш, диёнат ва инсоф доирасида ҳукмронлик қилишни одат қилган эди. Ибн Батута Бухородаги авлиё шайх ул-олам-Сайфиддин Бохарзий хонақоҳи ҳақида бундай ёзади: “Биз Бухоронинг Фатҳобод номи билан машҳур мавзеида тўхтадик. Бу ерда энг улуғ авлиёлардан бири аллома шайх, гўшанишин авлиё Сайфиддин ал-Бохарзийнинг қабри бор. Мазкур шайх номи билан аталадиган ва биз кўниб ўтган зовия жуда катта бўлиб, вақфлари беҳисоб, зиёратчилар ана шу вақфлардан келадиган даромадлар ҳисобига боқилади. Шу зовиянинг шайхи Сайфиддин авлодларидан бири бўлиб, Маккага ҳаж қилган Яҳё ал-Бохарзийдир. Шайх мени ўз уйида қабул қилди, шаҳарнинг обрўли кишиларини тўплаб зиёфат берди, қорилар ажойиб овозлари билан қироат қилдилар, воиз эса амри маъруф этди. Ҳофизлар форсий ва туркий тилларда ажойиб кўшиқлар ижро этдилар. Биз учун бу энг ғаройиб кечалардан бири бўлди” [ 39, 66-бет.].

Мажор шаҳридаги хонақоҳ ҳақида ҳам Ибн Батута бундай маълумот келтиради: “Мажор шаҳрида шайх Муҳаммад Батоихий хонақоҳи бор. Бу туркларнинг энг улуғ ва энг яхши шаҳарларидан биридир, ундаги хонақоҳда араб, форс, турк ва рум дарвешларидан етмиш киши истиқомат этади. Ўлканинг халқи эса дарвешларга эътиқод камоли юзасидан ҳар кеча хонақоҳга от, мол ва кўйларни етаклаб келтириб, назр қиладилар ва

султонлар, уларнинг хотинлари шайхнинг зиёратига келиб, тухфалар эхсон этадилар. Дарвешларнинг бир қисми оилали, бир қисми бўйдоқ бўлиб, халқнинг лутфу карами билан фаровон яшайдилар ва художўйлик билан шуғулланадилар”.

Араб сайёҳининг ёзишича, хонақоҳ ва зовияларнинг аксарияти жавонмардлар ихтиёрида бўлган, айниқса, Туркияда жавонмардлик ҳаракати “ахийлар” номи билан кенг тарқалган бўлиб, уларнинг сардорлари султонлар даражасида обрў-эътиборга эга эканлар ва , ҳатто, султон заруратан бирор юртга борадиган бўлса, мамлакатни идора қилишни вақтинча ахийлар сардорига топширган.

Ушбу маълумотлар жавонмардларнинг хулқ-атвори, сифатларини намоён этишдан ташқари, яна шуни ҳам билдирадики, XIII асрга келиб футувват ва тариқат бир-бири билан қўшилиб кетган. Аслини олганда, бу жараён хийла олдин, X-XI асрларда бошланган эди. Шу даврларда яшаган Хуросон, Эрон ва Мовароуннаҳр шайхлари ўз муридларини мардлик ва фидойилик, саховат ва қаноат руҳида тарбиялаш, жавонмардликни тариқат шиорига айлантиришга интиланлар. Чунончи, Шайх Абул Ҳасан ибн Ҳусайн Сарахсий, Шайх Абул Ҳасан Харақоний, Шайх Абул Аббос Қассоб, Шайх Абу Али Сиёх, Шайх Абу Али Даққоқ, Шайх Абул Қосим Бушр, Шайх Луқмон Сарахсий, Шайх Абу Саид Абул даъватлари ва фаолиятларида бу жараённи кузатиш мумкин. Уларнинг назарида сўфийнинг асосий фазилати элга наф келтириш, маърифат машъали бўлишдан иборат.

Масалан, Абулхасан Харақонийдан сўфий ким, деб сўраганларида, бундай жавоб берган: “Сўфий шундай бир кундузки, у бор жойда офтобга ҳожат қолмас, у шундай бир кечадирки, у бор жойда борлиққа ҳожат қолмас”. Яъни сўфий қуёш ва ойдаи порлаб, бошқаларга маънавий-маърифий нур таратиши, ўзи йўқ бўлиб, ўзгаларни бор этиши, бутун борлиқ унинг файзи, каромати ва саховати билан яшнаб, гуллаши керак. Ёки шайх Абу Саид Абул Хайр шундай дейди: “Мард улдурким, халқ орасида бўлса ва

инсофу адолат тарозуси устида турса ва бола-чақа қилса ва халқ билан қўшилиб яшаса ва халқ учун яшаса ва бир лаҳза Худони унутмаса”. [ 31, 238-бет.]

Шайхларнинг ушбу сўзлари дарвешлар сифати ҳақидадир, аммо жавонмардлар тариқати ҳам шу фазилатларни талаб этади. Демак, тасаввуф ва футувват бир-бирини тўлдирган ва бир-бирига мадад берган. Йирик шайхларнинг ўзлари қаҳрамонлик ва мардлик намуналарини кўрсатганини биламиз.

Абу Жаъфар Ҳаддод Мисрда ўн етти йил таъмирчилик қилди, деб ёзади Абдурахмон Жомий “Нафаҳот ул-унс” асарида, ҳар кун бир динору ўн дирам пул ишларди. Аммо бу пулларни ўзи учун ишлатмасди, балки дарвешлар, муҳтожларга бағишларди. Ўзи эса Жўнайд Бағдодий уйига бориб, қотган-қутган нонларни тановул қилиб юрган, ётадиган жойи эса масжид бўлган. [ 31, 156-бет.]

Шайх Нажмиддин Кубро фақирликни одат қилган, барча молу мулки, бисотини камбағалларга бўлиб бериб, ўзи “куффор аҳли”, яъни мўғул босқинчиларига қарши жангга отланган эди. Улуғ ватандошимиз қаҳрамонликлар кўрсатиб, лаънати мўғул ўқидан шаҳид бўлди. Агар Нажмиддин Кубро оддий сўфий бўлганида, жонини асраб, тинчгина Хоразмдан чиқиб кетиши мумкин эди. Аммо у: “Мен шу тупрок фарзандиман, шу ерда ўламан”, – деб Ватан озодлиги йўлида жон берди. Бу ахир жавонмардлик, ватанпарварликнинг олий намунаси эмасми? Ҳолбуки, Нажмиддин Кубронинг ёши икки кам саксонга етган эди.

Нақшбандия сулукидаги барча шайхлар саховат ва мурувватда намуна эдилар.

Хожа Аҳрор Валий шунча еру мулклари бўлса-да, ўзларини фақиру ҳақир ҳисоблаганлар. Чунки барча бойликларини бошқаларнинг манфаати ва эҳтиёжига сарфлардилар, шундан шоду хуррам эдилар. Умаршайх Мирзо Тошкентнинг бир йиллик хирожини талаб қилиб, лашкар тортиб келганда,

шаҳар аҳолиси қашшоқликдан бу маблағни (250 минг динор) тўлолмади. Шунда Хожа Аҳрор Валий бу маблағни Умаршайхга бериб, шаҳар аҳолисини ташвишдан халос этишдан ташқари, яна тошкентликларга 70 минг динор тухфа этди – халқ қишдан эсон-омон чиқсин, деб шундай қилдилар. Хожа Аҳрор Валий қурдирган мадраса ва хонақоҳларнинг сони йигирмадан ортиқ, вақфнома дафтаридаги мол-мулкларнинг сони 254тани ташкил этади. “Бизнинг ерларимиз биз тириклигимизда ҳимоямизда эдилар, ўлганимиздан кейин ҳам ҳимоямизда бўлсинлар”,– деб айтдилар. “Аларнинг моллари батамом фақирлар учун сарф бўларди”, – деб ёзади ҳазрат Жомий “Нафаҳот ул-унс”да. “Хожа Аҳрорнинг сахийликларининг чегараси йўқ эди. Умрларининг охирида Тошкентга келганларида Туркистондан кўплаб очлар оқиб келаётганини эшитадилар, чунки Туркистонда қаҳатчилик бошланган эди. Шунда хизматкорларига ҳар куни ўнта қозон қуриб, кераклича мол ва қўй суйиб туркистонлик очларни боқишни буюрадилар”. [55, 29-бет.]

Шундай улуғ саховатни ҳазрат Жомий, ҳазрат Навоий, султон Ҳусайн Бойқарода ҳам кўрамиз. Бу ҳақда мисоллар жуда кўп. Ҳирот аҳлидан Саййид Ҳасан Ардашер, Шайхимбек Суҳайлий, Паҳлавон Муҳаммад ҳам дарвештабиат мардлар эдилар. Алишер Навоий уларни ўз асарларида айна шу хислатлари учун таъриф-тавсиф этиб, ибрат қилиб кўрсатган. Адабиётшунос олим Атоуллоҳ Ҳусайний Алишер Навоий олдига келиб, бир ҳовлича сотиб олмоқчи эдим, аммо ҳовли эгаси бошқа харидор топиб савдони бузди, менда эса ортиқча пул йўқ, шу савдони менинг фойдамга ҳал қилиб беринг, деб илтимос қилади. Шунда Алишер Навоий Атоуллоҳ Ҳусайнийга ҳовлини ўз ҳисобидан сотиб олиб беришдан ташқари, яна бир канча ёрдамлар бериб, сиз бемалол китобингизни ёзинг, дея тайинлайди.

Бу улуғ шоир саховатидан бир мисол, холос. Ҳазрат Навоийнинг моддий ва маънавий мададидан баҳраманд бўлган илму адаб аҳлининг ҳисобига етиб бўлмайди. Улуғ ўзбек шоири Навоий маърифат ва

маданиятнинг буюк ҳомийси, Атоуллоҳ Хусайний сўзи билан айтганда, “мардларнинг марди, эзгу ишлар ижодкори” эди. Ҳирот ва Астрободда, Машҳад, Балх ва бошқа кўплаб шаҳарларда азиз-авлиёлар қабри устига мақбаралар қурдирди, ўнлаб бинолар тиклаб, уларни маърифат ва маънавият маскани, илму фан, таълим ва таҳсил ўчоқларига айлантирди. Ана шундай улуғ шоир ва мутафаккир, мутасаввуф Навоий сахий қалбли, макорим ул-ахлоқ бир зот эдиким, унинг ишлари жавонмардлик тариқатининг амалий татбиқидир. Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Навоий ва Жомий фаолиятида тариқат ва футувватнинг ўзаро бирлашуви тезлашади. Шарқда кенг ривожланган бу икки соҳанинг қўшилиши катта ижтимоий ҳодиса бўлиб, одамийлик сифатларининг кўпроқ қарор топиши ва ахлоқий камолот учун қудратли кучга айланди.

Хуросон жавонмардларидан бири Абу Абдуллоҳ Санжарий атоқли сўфий шайхларидан бири бўлиб, саховатда машҳур бўлганки, ўзи куни билан оч юрса-да, лекин охири тангасигача ҳам қашшоқларга берган. Унинг мухлисларидан бирининг хотирлашича, Тараблус шаҳридан чиқиб, бир неча кун бирга йўл юрганлар, аммо овқат емаганлар. Очликдан силлам қуриди, шайхнинг ёнида беш динор пул бор эди. Унга дедимки, шу пулга егулик сотиб олайлик. У эса деди: яна бир кун юрайлик, йўл ёқасида бир қишлоқ бор. У ерда аёлманд бир камбағал яшайди, динорни ўшанга берамиз, у болаларини ва бизни боқади. Биз қишлоққа кирдик, динорларни ҳалиги одамга берди, у нон ва овқат олиб болаларини едирди, биз ҳам едик...

Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф” китобида шундай маълумотлар келтирилади: “Абу Абдуллоҳ Санжарийдан футувват нима, деб сўрадилар. Жавоб бериб деди: “Халқ нима иш қилса ҳам кечирмоқ ва ўзини қусурли, кам деб билмоқ, яхши ёки ёмонлигидан қатъи назар, барча одамларга шафқат қилмоқ”.

Ва яна у демишки, “мурид учун фойдали нарса солиҳлар (яхшилар) суҳбатини қозониш, уларнинг феъли ва ахлоқига эргашиш, Ҳақ дўстлари

кабрини зиёрат қилиш ва ёрлар, фақирлар хизматига камарбаста бўлишдир”.

Гап сўфийлик ва жавонмардлик кийимини кийиб, ўзини кўрсатишда эмас, балки уларнинг феълига эргашиб, яхши ишларини адо этиш муҳим, дейди Абу Абдуллоҳ.

Шу тариқа, футувват билан тасаввуф ғоялари аксар бир-бирига мувофиқ келади. Футувват ҳам, тасаввуф ҳам инсон ахлоқини поклаш, меҳру шафқат, ҳиммат ва мардлик кўрсатишни тарғиб этади. Ва бу жиҳатдан илоҳиёт ишқида дунёдан юз ўгирган, жисмини маънавий камолот йўлига қурбон этган дарвеш билан биродарлик, фидойилик удумига содик жавонмарднинг мақсадлари мос эди. Тасаввуфнинг тавба, сабр, қаноат, парҳез, ботиний таҳорат каби талаблари футувватчилар томонидан қабул қилиниб, амалий – ҳаётий қоидаларга айлантирилади. Жавонмард – Аллоҳнинг номини тилидан қўймайдиган, ҳамиша тоат-ибодат билан шуғулланувчи киши бўлиши кераклиги Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” номли китобида бир неча бор таъкидланган. Кошифий футувватни тариқатнинг бир қисми деб ҳисоблайди.

Хуллас, тасаввуф футувватда юксак ғояларнинг амалий-ижтимоий татбиқини кўрган бўлса, футувват тасаввуфда назарий-эътиқодий тағзаминни топган эди. Тариқат аҳли Худо ошиғи бўлиб, фонийлик, маънавий поклик учун курашардилар. Бунинг учун эса гўшанишинлик, муроқаб ва сурункали зикру самоъ билан шуғулланиш шарт қилиб қўйилган эди. Футувватчилар тасаввуф ахлоқини қабул қилган ҳолда, амалиётдан воз кечмадилар, халқ орасида юриб, хайру савоб ишларни бажаришда фаоллик кўрсатдилар. Бу жавонмардликнинг қадимий удуми эди, чунки жавонмардлик келиб чиқиш давридан бошлаб, тадбиркорлик, фаоллик ва айёрликни шиор қилган эди. Ҳа, айёрлик жавонмардликнинг улуғ сифати ҳисобланган. Гап шундаки, ҳозир салбий маънога эга бу сўз IX – X асрларда ижобий маънода қўлланилган. “Жавонмардларни “айёрлар” ёки “айёралар” (зеро, Далла ёки Майсара сингари доно ва заковатли аёллар кўп бўлган), деб юритганлар”. [ 43,

111-бет.]

Айёрлар жуда зехнли, доно ва ҳийлагар бўлганлар. Турли-туман найранглар ишлатиб, душманларни мот қилганлар ва дўстларини мушкул аҳволдан қутқарганлар. XI асрда форс тилида яратилган “Самаки айёр” китобининг қаҳрамони Самак (маъноси балиқ) шунчалик доно ва тадбиркорки, ноҳақ қамалган дўстларини қутқариш, севишганларни бир-бирига етказиш, саройдаги фитналарни фош этиш ва бошқа ишларда қатнашиб, ҳаммавақт ютиб чиқади, ҳатто душманлари ҳам унга қойил қолади. Аммо у ўз “хунар”ини ҳеч қачон хиёнат ва гуноҳ ишларга сарфламайди, аксинча, хиёнатчилар, золимларнинг адабини беради. Айёрлар шу тариқа, ақлу заковатни яхшилик йўлида ишлатувчи, меҳрибон ва содиқ кишилар бўлганлар.

Бироқ футувват тасаввуф билан қўшилгандан кейин жавонмардларга нисбатан айёр деган сўз ишлатилмайдиган бўлиб қолди ва умуман, “айёрлик”дан фойдаланиш ҳам камайди, фаолиятнинг мазмуни ва мақсади ўзгарди. Энди кўпроқ Худо йўлидаги ҳақпарастлик, дарвешлик қонунлари асосидаги беғараз фидойилик расм бўлади. Жавонмардлар орасида қўлланадиган мард, жўмард, валломат, сахий, бокарам, азамат сўзлари сўфийлар орасида юрадиган эран, эр, мард сўзларининг юксак маънолари билан яна ҳам бойиди. Чунки сўфийлар эран, мард деганда ўзликдан воз кечиш, шайтоний нафсни буткул маҳв этишни назарда тутадилар. Нафс кетидан борган одам тубанлашиб кетаверади, бошқаларга зулм ва ситам ўтказибгина қолмай, ўзига ҳам зулм қилади, зеро нафс кишини инсонийлик сифатларидан маҳрум этади. Инсон шунинг учун ҳам инсонки, у ҳамиша ўзини поклаб бормоғи лозим. Нафсни енгмоқ – манманлик, ҳирсу ҳавасни, тор манфаатпарастликни енгмоқдир. Нафс васвасаси ўзим бўлай, ўзим яхши яшай, бошқалар нима бўлса бўлар, деган хавфли ва қабиҳ майлни келтириб чиқаради. Киши бепарво, бераҳм ва меҳрсиз бўлиб қолади, ҳатто, бойлиги, мол-дунёсини ўз фарзандларидан ҳам аяйдиган бўлади.

Бора-бора бу йиртқичликка, ваҳший зулмкорликка олиб келади. Натижада ахлоқдан путур кетиб, киши хиёнат ва разолатга берилишдан хайиқмайдиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам сўфийлар нафси бутун фалокатларнинг боши деб кўрсатиб, муридлар олдига аввал ана шу шайтоний нафс (“нафси аммора”)ни маҳв этиш вазифа қилиб қўйилган эди. Ўз нафсини енголган киши ўзгалар ғамини ейиши мумкин. Абдурахмон Жомий “Субҳат ул-аброр” достонида футувватга таъриф бериб, бу аввало паст хислатларни тарк этиб, олийжанобликни касб этиш, дея таъкидлайди. Футувватнинг биринчи шarti – мискинлар дардига даво бўлиш:

Чанд рўзе зи мустақимон бош,  
 Дар пайи ҳожати мискинон бош.  
 Шамъ шав, шамъ, ки худро сўзи,  
 То ба он базми касон афрўзи!

(Бир неча кун дину диёнати мустаҳкамлар сафида бўл, мискин, ғарибларнинг ҳожатини чиқаришни ўйла. Шамъ бўлгин, шамъ, токи ўзинг ёниб, ўзгалар базмини ёрита олсанг!)

Ўзи ёниб, ўзгалар кулбасини ёритиш, мискинлар базмини обод қилиш қандай шарафли ва олийжаноб инсоний хислат! Бизнинг улуғ инсонпарвар донишмандларимиз ўзим бўларчилик фалсафасини рад этиб, ана шундай эзгу ғояларни олға сурганлар, инсонийликни илоҳийлик даражасига кўтарганлар. Жомийнинг фикрига кўра, жавонмард худди баҳор булутидай ҳаммага бирдай саховат ёмғирини ёғдирмоғи, худди кўз гавҳари каби ўзгаларни кўриб, ўзини кўрмаслиги лозим. Бу комил инсоннинг сифати ҳам, чунки кўз комил инсон тимсолидир. Комил инсон ҳеч қачон ўзини ўйламайди, у хаамиша бошқалар ғамида юради.

Футувват ҳақида араб ва форс тилларида ёзилган китоблар анча, бундан ташқари, машҳур пандномалар (“Қобуснома”, “Тулистон” каби), тасаввуф ҳақидаги рисоаларда ҳам жавонмардларнинг расму русуми, одобу коидалари хусусида фикрлар келтирилади. XVасрда Ҳиротда яшаган атоқли

олим ва ёзувчи Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” номли асарида бу илмнинг кўп қоида-низомлари содда ва равон тилда баён этилган. Бу китобнинг номидан у бирор-бир султонга бағишланган экан, деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Муаллиф фатийлар султонини назарда тутди, чунки фатийлар раҳбарини ҳам султон деб атаганлар.

Асар тожик тилида ёзилган бўлиб, ўн икки бобдан иборат. Ҳусайн Воиз Кошифий Навоийнинг мухлиси ва дўсти бўлган, ўзининг “Жавоҳир ут-тафсир ат-тухфат ул-Амир” номли тафсир китобини Алишер Навоийга бағишлаган. Ушбу китоб “Тафсири Ҳусайний” номи билан ҳозиргача кадрланиб келинади. Кошифийнинг “Анвори Сухайлий”, “Рисолаи Ҳотамия”, “Ахлоқи Муҳсиний” номли асарларида ҳам жавонмард кишиларнинг хислатлари тасвирланади. “Футувватномаи султоний” асарида эса футувват тариқатнинг бир қисми сифатида олиб қаралади ва шунинг учун жавонмардлик удумлари, илму амали баробарида муаллиф тасаввуф ҳақида ҳам кўп фикрларни баён қилади.

Кошифийнинг фикрича, тасаввуф сингари футувват ҳам руҳ илмидир. “Футувват илмининг ўз мавзуси бор, бу мавзу – инсон руҳи ҳисобланади. Зеро, инсоннинг руҳини тарбиялаш, парвариш этиш орқали уни гўзал ва ҳамида (ёқимли) хулқ-атворли, фазилатли қилиб етиштириш мумкин”. [ 84, 7-бет.]

Кошифийнинг бу таърифи ғоят эътиборлидир. Чунки жавонмардлик ёки футувват деганимизда, кўз олдимизга, аввало, жисмонан бақувват, тоғни урса талқон қиладиган паҳлавонлар, куч-қудрати ошиб-тошиб ётган йигитлар келади. Албатта, куч-қувват бўлмаса, шижоат ҳам, қаҳрамонлик ҳам содир бўлиши қийин. Лекин фақат дағал жисмоний кучи унинг руҳий-маънавий етуқлиги билан мувофиқ келиши лозим. Шунда одам жисмоний кучини яхшилик тантанасига сарфлай олади, ожизларни ҳимоя қилади. Руҳий-маънавий камолот намунали ахлоқ билан ажралиб туриш демак. “Футувват деб омма орасида яхши сифатлар ва намунали ахлоқ билан машҳур бўлишни

айтадилар,— дея таърифни давом эттиради Кошифий, – шу ваяданким, бундай одам ҳамиша ахлоқи билан ўз касбдошлари, тоифа-табақаси орасида мумтоз бўлади”. [ 84, 7-бет.]

Умуман, жавонмард барчанинг севимли кишиси, барчага намуна бўладиган эзгу сифатли инсон. Шунинг учун, умумлаштириб айтганда, “футувват инсоний фитрат нури зухурининг нафсоний белгилар зулматига қарши қўйилиши, (шу зулматни) ёриб ўтишидан иборат” [ 84, 7-бет.] бўлмоғи керак. Жавонмард элдан яширин бирор иш қилмайди, одамларнинг меҳр-муҳаббатини қозонишни улуғ бахт деб ўйлайди:

*Халқи жаҳонга хуш хулқинг ила маҳбуб бўл,*

*Жаннат боғига йўл бошловчи шудир, эй дил.* [ 84, 8-бет.]

Футувват кўнги кўзини равшан этади, жон боғини сафо офтоби билан парвариш қилади. Футувват аҳдга вафо қилишга, барчани ўзидан афзал билиш ва ўзини ҳеч кимдан юқори қўймасликка ўргатади. Футувват такаллуфни тарк этмоқ ва уйда нима бўлса, меҳмон учун ҳозир қилмоқдир:

*Боримизни меҳр дастурхонига ҳозир айладик,*

*Гарчи арпа нони-ю сиркодин ўзга нарса йўқ.* [ 84, 8-бет.]

Ҳеч шубҳа йўқки, такаллуфдан аноният (манманлик)нинг ҳиди келади, футувватнинг қуввати эса нафсни енгиш, манманлик ва такаббурликни тарк этишдан ҳосил бўлади. Худбинлик – худопарстлик эмас, балки худпарастликдир:

*Фоний бўлганлар бақо фарзандидир,*

*Ўзни севган будпарастдир, бандидир.* [ 84, 8-бет.]

Хуллас, футувват – мардлик тариқати, ўзаро ёрдам, мурувват ва меҳрибонлик кўрсатиш, фидойилик ва фидокорлик илмидир. Жавонмард одамнинг сўзи ҳам, нияти ва фикрлари ҳам пок бўлган. Улар халқимиз ахлоқини тарбиялашда катта хизмат қилдилар, Жавонмардлар ахлоқи бизнинг миллий ахлоқимизга айланиши керак, чунки, футувватнинг кўп жиҳатлари одамларимиз орасида ҳануз яшаб келмоқда. Кишиларимизнинг

меҳмондўстлиги, одамохунлиги, мардлиги ўша аждодлар удумининг меросий давомидир. Яхшилик қилиш, бировнинг ҳожатини чиқаришдан яйраб-яшнаб кетадиган, борини бошқалар билан баҳам кўрадиган одамлар ҳозир йўқ дейсизми? Улар бор, улар кўп. Уларнинг ҳиммати, шарофати туфайли ҳаётимиз файзли ва баракалидир. Албатта, ўзим бўлай деб, ҳаром йўллар билан бойлик орттираётганлар ҳам анча. Лекин, халқимиз қалбидаги саховат ва олийжаноблик хислатлари ўзимбўларчилик майлидан устундир. Агар ҳар бир одам ўзгалар учун интилса, бошқаларнинг ғамини еса, унда бутун жамият бир-бирига ёрдам берадиган, бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган саховатли, мард ва пок одамлардан ташкил топиб, ҳаётимиз яна ҳам файзли, нурли бўлмайдами? Сиз бировга яхшилик қилсангиз, у бошқа бировга яхшилик қилади. Шу тариқа, хайру барака, эзгу одатлар тантана қилиб боради. Аждодларимиз шу улуғ мақсадга бел боғлаб яшаганлар ва дунёга ном таратган эдилар.

## **1.2.Навоий асарларида футувват ғоялари ифодаси.**

Алишер Навоий фақат буюк сўз санъаткори эмас, балки ўрта асрлардаги фалсафий, ижтимоий оқимлар жараёнига фаол муносабатда бўлган даҳо мутафаккир ҳамдир.

Навоий фалсафа, дин, тариқатлар ҳақида махсус илмий рисолалар ёзган эмас. Лекин унинг мазкур масалаларга доир аниқ концепцияси бадий ва илмий, тарихий асарлари таркибида мукаммал акс этган.

Устознинг у ёки бу мазҳаб, тасаввуф тариқатига муносабати, асосан, икки йўсинда – очик мулоҳаза, талқин ёки яхлит хулосалар сифатида ёхуд бадий асар табиати билан боғлиқ ҳолда, йўл-йўлакай муносабат, имо-ишора тарзида кўринади. Шунингдек, бир қатор муҳим, аммо нозик масалалар (қазо ва қадар, ҳуруфийлик, маломатия, футувват – жавонмардлик)га муносабат пардали имо-ишора ҳамда муайян образлар замирига сингдирилган ҳолда намоён бўлади. Навоийнинг тасаввуф фалсафаси ва ахлоқи, нақшбандия сулукининг асосий принциплари ва йўллари ҳақидаги мулоҳаза ва хулосалари қитъа, ғазал сингари кичик жанрларда очик қайд этилгани ҳолда, бадий контекст доирасида зухур этади.

Навоий ижодиёти нафақат фалсафий теранлиги, балки ижтимоий моҳияти билан ҳам адабиётимиз тарихида фавқулодда дурдоналарда доно сиёсий арбобнинг илғор ижтимоий концепцияси барча жиҳатлари билан тўлиқ ва ёрқин намоён бўлган.

Агар лирик шеърлар, дostonлар муқаддимаси ва “Махбуб ул-қулуб”да ижтимоий масалалар махсус кўйилиб, аниқ хулосалар баён қилинса, дostonлардаги воқеа ва образларни ана шу фикр ва мулоҳазаларнинг бадий инъикоси деб айтиш мумкин. Умуман, “Хамса” концептуал асарнинг юксак намунаси ҳисобланади. Лекин дostonларда муаллифнинг тасаввуф ва хусусан, нақшбандия тариқатига муносабати очик эътироф сифатида кўзга ташлангани ҳолда, унинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатган ижтимоий оқим ва уюшмаларнинг айримларига муносабати маҳорат билан тўқилган

парда ортига олинган. Бунга Навоийнинг комил инсон концепцияси шаклланишига катта таъсир кўрсатган футувват(жавонмардлик)га муносабати ёрқин далил бўла олади.

Маълумки, Фаридиддин Аттор футувватга мансуб 72 талаб (сифат, хусусият), Хусайн Воиз Кошифий эса (уч мартаба, ун икки рукн (устун) 71 та шартни кўрсатган. Ана шуларнинг барчаси иккита сифатда мужассам бўлади: саховат (дўстларга нафъ етказмоқ) ва шижоат (дўстларни душманлардан асрамоқ).

Ўз замонида ахлоқ, саховат, қаноат, имон, ҳиммат каби инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган инсонлар кўпайишини истаган Навоий инсон камолоти ҳақидаги қарашларини ҳар бир асарига сингдирди. Жумладан, “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги саховат ва карам васфига бағишланган бешинчи мақолатда бу борадаги қарашларини бадий талқин этади. Шоир эгнига хайру карам кийимини ёпинган (сахий) кишининг эҳсон улашиш йўлларини, яъни олтин-кумуш сочиш учун очилган панжасини қуёшга, кафтини нур таратувчи яшинга қиёслайди, бойликнинг умри қисқалигини, қўл эса саховат орқасидан барҳаёт эканлигини таъкидлайди:

*Эй тушиб эгнингга карам қисвати,*

*Қолмайин илгингда дирам қиймати.*

*Панжанг ўлуб сиймфишонлиққа фош,*

*Машириқу мағрибда нечукким қуёш.*

*Сийм ила илгингда адоват бўлуб,*

*Анда фано, мунда саховат бўлуб.*

*Чун кафинг олтун сочиб андоқки барқ,*

*Барқ ҳаёдин бўлубон терга зарқ. [ 9, 104-бет.]*

Шоир фикрича, хайру саховат давлатманд одамнинг бошидаги эҳсон ва саховат тожидир, тожнинг устида эса хайру карам гавҳари жойлаштирилган.

*Бошинг уза жуду сахо афсари,*

*Афсаринг устида карам гавҳари.* [ 9, 104-бет.]

Навоий фикрича, хайру саховат кўрсатишга қодир одам ҳеч қачон бахиллик йўлини тутмаслиги, эҳсон ва саховат кўрсатиш вақтида кўнглини ғашламаслиги зарур.

Навоий карам, саховат тўғрисида сўзлар экан, ҳар нарсада бўлганидек, бунда ҳам меъёр бўлмоғи кераклигини таъкидлайди:

*Сочмоқ овуч бирла гуҳар от учун,*

*Нақд этак бирла мубоҳат учун,*

*Ақл ҳисоботидин эрур бас йироқ,*

*Бухл бу жудунгдин эрур яхшироқ.* [ 10, 67-бет.]

Кимнинг сахийлик қилишга имкони бор экан, ном чиқариш учун гавҳарни ҳовучлаб сочиш, мақтаниш учун этаклаб пул бериш ақлли иш, деган фикрдан узоқ бўлиши лозим. Бундай саховатдан бахиллик яхшироқдир.

Карам Аллоҳнинг сифатларидан, шу боис карамли бўлиш, тухфаю тортиқлар билан одамларни хушнуд қилиш яхши, бу инсонийлик шарафи. “Аммо, – дейди Навоий, – саховат қандай мақтовга лойиқ шарафли хусусият бўлмасин, у орттириб юборилса, исрофгарчиликдир”.

*Чун деди Тенгрики: “Кулу ваирабу”,*

*Ёнида дедики, “Вало тусрифу”. [ 9, 104-бет.]*

Яъни Аллоҳ “Қуръон”да шундай дейди: “Енглар, ичинглар! Лекин исроф қилманглар!” Демак, бу – саховат эмас, сахийлар ҳам буни саховат демайдилар.

*Они доғи дема сахоким, киши*

*Нечаки исроф эмасдур иши.* [ 9, 106-бет.]

Навоий саховат ва карам ҳақидаги фикрларини давом эттирар экан, шундай дейди: “Шундай кишилар борки, ҳеч исрофга йўл қўймасалар ҳам, бундай одамларни сахий деб бўлмайди. Бировга эҳсон беришда улар меъёрга эътибор қиладилар-у, лекин эҳсон берилаётган одамнинг эҳсонга қанчалик

мухтож эканлигига қарамайдилар. Тўқ одамнинг олдига дастурхон ёзадилар, эгни бут одамга тўн кийгизадилар.

*Ёяр анга супраки, ул оч эмас,*

*Берур анга тўнки, ялангоч эмас.* [ 10, 68-бет.]

Навоий таъмагир одамларни ҳам сахий деб ҳисобламайди. Чунки бундай одамлар халқнинг нарса ва ашёларига кўз олайтириб, нимани кўрса, ўшани таъма қилади. Уларнинг асосий мақсади одамлардан гоҳ зулм, гоҳ зўрлик, гоҳ ёлғон далил билан, нима қилиб бўлса ҳам, нарса олиш, шу олган нарсалари ҳисобига нарса улашиб, ўзини сахий кўрсатишдир:

*Ҳам сочари муҳмалу ҳам термаги,*

*Ҳам олури ҳарзаву ҳам бермаги.* [ 10, 68-бет.]

“Биров ўзи сўрамагунча унга ҳеч нарса бермайдиган одамлар ҳам бор. Бундай одамларни ҳам сахий деб бўлмайди. У одам ўша нарсага қанча мухтож бўлмасин, ўзи сўрамагунча унга бир чақа ҳам бермайди”, – дейди Навоий.

*Они доғи дема сахийким, киши*

*То тиламас бермак эмасдур иши.* [ 10, 68-бет.]

Алишер Навоий: “Кимни сахий деб чақиришса, бундай одам сахий бўлиб ахий (сахий, яхши одам, биродар) қаторига қўшилиб қолмайди”, – дейди:

*Они ахи ҳар киши айтур сахий,*

*Билки сахий ул худ эмасдур ахи.* [ 10, 68-бет.]

Саховат мурувватнинг, шафқатнинг нишонаси. Сахий одам керилиш учун, миннат учун бу ишни қилмайди. Унинг табиати, кўнгли шунга мойил бўлгани учун шундай йўл тутади. Шунинг учун саховат талаб қилинмасдан амалга оширилиши ва кетидан миннат қилинмаслиги лозим.

Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида саховат ва карам, хайр ва одамийлик қоидаларини бирма-бир баён этиб чиққан. Шоир бу ҳақдаги фикрларини кейинги асарларида ҳам давом эттирган.

Агар Навоий асарларидаги ижобий қаҳрамонлар фаолияти, шунингдек, унинг шеърлари ва “Маҳбуб ул-қулуб” асарига эътибор берсак, барча муҳим сифатлар жавонмардлик талаблари билан мувофиқ эканлигига тўла қаноат ҳосил қиламиз.

Алишер Навоий гарчи жавонмард номи билан махсус ҳикоя ва образ яратмаган бўлса ҳам, Фарҳод, Масъуд, Саъд, Фаррух, Искандар, Шопур, Муқбил сингари ҳақиқий жавонмардлар тимсолида ўзининг бу масалага доир қарашларини етарли даражада ифодалай олган.

Алишер Навоийнинг бу борадаги эҳтиёткорлиги ортида жиддий сабаб ётади. Маълумки, жавонмардлик мафкураси сарбадорлар ҳаракатининг асосий ғоясини ташкил этган. Сарбадорлар (хуруфийлар сингари) билан теурийлар ўртасидаги жиддий муносабат Навоийга яхши маълум эди. Бинобарин, ота-бобосидан тортиб шу хонадонга содиқ қолган Навоий ана шундай нозик масалада эҳтиёткорлик кўрсатиши табиий ҳолдир. Бирок Навоий асарларини футувват нуқтаи назаридан кузатиши асосида нафақат унинг жавонмардларга нисбатан чуқур муҳаббатини ҳис этиш, балки футувват мафкурасининг дастурини ҳам тўлиқ тиклаш мумкин.

**ИККИНЧИ БОБ.**  
**“САБЪАИ САЙЁР” ДОСТОНИДА ФУТУВВАТ ҒОЯЛАРИНИНГ**  
**БАДИЙ ТАЛҚИНИ**

Алишер Навоий ижодида футувват таълимотини ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотлар шу кунгача яратилмаган. Фақатгина айрим адабиётшунос олимларимиз ўз ишларида бу масалага у ёки бу даражада тўхтаб ўтганлар. Шу боис биз тадқиқот ишимизда Алишер Навоий ижодида футувват масалаларини ёритишга ҳаракат қилдик.

Алишер Навоий ижодини умумий планда олган ҳолда асосий эътиборни “Сабъаи сайёр” достонига қаратдик. Бу достондаги ҳикоятларни футувват оҳангида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Мақсадимиз – “Сабъаи сайёр” достонида Алишер Навоий қай даражада футувват таълимотидан таъсирланганлигини, бадий ифодасини аниқлашдир. Футувват таълимотининг сифатлари бир қарашда одоб-ахлоқ қоидаларига ўхшаб кетади. Ахир ҳар иккисининг ҳам мақсади инсонни комилликка чорлашдир. Футувват барча эзгу сифатларни ўзида жамлаган таълимотдир.

“Маълумки, Алишер Навоий футувватнинг Кичик Осиё ҳудудидаги ўзига хос тармоғи бўлмиш ахийлик ҳаракати намоёндаси (“Сабъаи сайёр”даги Ахий)нинг ёрқин образини яратган. Лекин шоирнинг ўз тили билан айтганда:

*Мурувват барча бермакдур – емак йўқ,*

*Футувват – барча қилмакдур, демак йўқ.*

Зотан, бу ҳаракатнинг Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги аъзолари ахий эмас, балки жавонмард деб аталган. Бинобарин, бундай кенг ривож топган қудратли ижтимоий ҳаракат бу ҳудудда ўзига хос жиҳатлар касб этган ва турли ҳаракатлари, ижтимоий қатламлар билан вобаста бўлганлиги шубҳасиздир.

Бир қараганда, Алишер Навоий футувватнинг Кичик Осиёдаги кўриниши бўлмиш ахийлик ҳақида махсус ҳикоя (“Сабъаи сайёр”нинг биринчи ҳикояти) яратгани ҳолда, ўз ватани Хуросонда кенг шуҳрат қозонган ва шаҳар ҳунармандларининг катта қатламини қамраб олган қудратли халқ уюшмаси – жавонмардликни четлаб ўтгандай туюлади. Ваҳоланки, шоир асарларида “футувват”, “жавонмард” атамалари комил инсонларга хос ижобий хусусият сифатида кўп тилга олинади”. [ 36, 49-бет.]

## 2.1. Ахийлик ва саховат, унинг дoston ҳикояларида ёритилиши.

Улуғ тарихий бурилишлар даври мафкурасини белгилаган жаҳоний динлар инсоният тараққиётининг муайян босқичида янги маънавий-руҳий зарурат, фикрий ва ҳиссий изланишлар эҳтиёжига жавоб тариқасида пайдо бўлганлиги сабабли маданий-маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳасини қамраб олиб, ижодий кўтарилиш, тахайюл ва тасаввуротлар олами, ақлий ва бадий фаолият тарзига таъсир этиб келди. Айни вақтда инсоннинг тўхтовсиз ижодий фаолияти динларнинг ўзига таъсир ўтказиб, улардаги синкретиклик (омухталиқ) хусусиятини кучайтириб турди, янги таълимотлар, мазҳаблар, қарашлар силсиласини вужудга келтирди. Ислom оламида буни илми ҳикмат (фалсафа), илми калом, илми ваҳдат ёки илми тавҳид (тасаввуф) мисолида кўриш мумкин.

Тасаввуф айни шаҳар хунармандлари, қадимдан маданияти ривожланиб келган илм-маърифат марказларида тараққий этди. Тасаввуфнинг футувват билан қўшилиб кетиши ҳодисасини қайд этиб ўтиш жоиз. Футувват (жавонмардлик) аҳли ўз ҳаётларини дўст-биродарлари, яқин кишиларининг ҳожатини чиқариш, муҳтожларга моддий ва маънавий ёрдам беришга бахшида этган одамлар бўлиб, аксар оддий халқ ичидан етишиб чиққан хунармандлар, олим ва санъаткорлар эдилар.

Тасаввуф бир неча асрлар мобайнида халқимиз маънавиятини ҳар томонлама бойитишга хизмат қилиб келмоқда. Бу таълимот вакилларининг ғоялари, сўзлари, юксак ахлоқи халқимизга ибрат бўлмоқда. Шайхлар элнинг раҳнамолари, руҳоний мураббийлари сифатида фаолият кўрсатишган. Уларнинг ҳаётлари, турмуш тарзи, панду насихатлари, улар тўғрисидаги ҳикоят, ривоятлар доимо маънавиятни бойитиб келган.

Тасаввуф ҳақиқий маънода инсонпарвар таълимот ҳисобланади. Инсоннинг камолоти, руҳий-маънавий юксалиши учун қайғуриб келган гуманистик таълимотлар ривожига бизнинг ватандошларимизнинг ҳиссаси

бекиёс. Президентимиз И.А.Каримов алоҳида таъкидлаганидек, ислом маърифати ва маданияти ривожига ҳақида гап борганда, биз “мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий каби пири комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улуғ номлар билан боғлаймиз. Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз”. [ 6, 49-бет.]

Дарҳақиқат, қайд этиш зарурки, истиқлол йилларида бу соҳада ҳам анча ишлар амалга оширилди: тасаввуфга оид нодир манбалар ўрганилди, нашр этилди. Тариқатларнинг шаклланиш жараёни, тарихий роли, бугунги маънавиятимиз учун аҳамияти очиқ берилди.

*Ҳар кишиким топса даврон ичра жоҳу эътибор,  
Ким анинг зотида бедоду ситам бўлғай қилиг.*

“Навоийга ишонмоқ лозим. Шоирнинг “Ҳар кишиким топса даврон ичра жоҳу (амал, юқори мартаба) эътибор”, дейишига қараганда, мансаб пояларидан юқорилагани сайин инсонийликда тубанлашмай, зулму зўрликни кучайтирмаган одамлар деярли бўлмаган. Бундай вазиятларда ёмонлик қилмасликнинг ўзи яхшилик қилмоқ билан тенгдир:

*Яхшилик гар қилмаса, бори ёмонлик қилмаса,  
Ким ёмонлик қилмаса, қилгонча бордур яхшилик”. [ 81, 7-бет.]*

“Бу байтдаги фикр бундай қаралганда насихат ёки бир истак. Аммо унда жувонмардликнинг шартларидан бири илгари сурилган. Маълумки, жувонмардлик ёки футувват деб аталган таълимот Яқин ва Ўрта Шарқнинг кўпгина мамлакатларида кенг тарқалган. Бу таълимот вакиллари ижтимоий тенглик, адолат учун курашганлар. Бир одамдан “Қандай киши жувонмард

аталишга лойиқдир”, деб сўраганларида, у “Нух пайғамбарнинг яхши хулқи, Иброҳимнинг ишончи, Исмоилнинг тўғрилиги, Мусонинг самимияти, Абу Бакрнинг ҳамдардлиги, Усмоннинг уятчанлиги, Алининг билимдонлигини ўзида мужассамлаштирган киши жувонмарддир. Шулар билан бир қаторда у одам ўзини тергаши, яъни бор нарсасидан мағрурланмаслиги, ҳеч пайт шахсиятпарастлик қилмаслиги, мақтовга учмаслиги, ҳамиша ва ҳамма жойда ўз сифатларидан фақат камчиликларини, биродарларининг хулқидан эса яхшиларини кўрсатиши шартдир”, деган экан”. [ 81, 7-8-бет.]

Кошифийнинг таснифига кўра, футувватнинг уч мартабаси бор. Булар саҳо (саховат), яъни бор нарсани ҳеч кимдан қизғанмаслик; сафо, яъни қалбни кибру ҳаво, гина-қудурат, қасд-ғазабдан холи ва пок тутиш; вафо, яъни ҳамма вақт халқ хизматида бўлиш. Салмон Форсий (Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳобаларидан) деган эканлар: “Футувват – барчага инсоф-мурувват кўрсатиш ва айбларни ўзига нисбат бериш, аммо вужудга келган воқеалардан ўзини хорижда ҳисоблашдир”. Кези келганда айтиш керакки, Салмон Форсий ўзлари ажаб хислатли жавонмард инсон бўлганлар, Маккада орқаларида меш билан сув ташиб, кишиларнинг чанқоғини бостириш билан шуғулланганлар. Салмон Фросий сўзларидан шу нарса маълум бўладики, жавонмардларнинг саховати ва хизмати беминнат бўлиб, музд талаб қилинмайдиган хизматдир. Агар киши бирор манфаатни ўйлаб, бировга бир нарса берса ёки бирор кўнимга ярар, кези келиб менга ҳам қайтарар, деган андиша билан яхшилик қилса, бу футувват ҳисобланмайди. Жувонмард ваъдасига вафо этгучи, софдил ва ростгўйдир. У бечора, мухтож, ғарибларга мадад етказишдан мадад олган. Ёмонлардан яхшиларни ҳимоя қилишдан роҳатланган. Навоий бир фардида:

*Мурувват барча бермакдур – емак йўқ,*

*Футувват – барча қилмакдур, демак йўқ, -*

деб ёзганида ҳам жувонмардлик эътиқодининг шартларини қайд этган эди.

Яъни ўзи емасдан бошқаларга бериш, бу чин мурувват бўлади. Яхшилик қилиб, ҳожатини чиқаргин, орқасидан гапириб юрма, ҳатто мақтанмагин ҳам. Чунки мақтаниш ҳам қилган яхшиликни юзига солиш ва “мен мана шунақаман”, деб керилишдир. Бу футувват аҳлига хос сифат эмас. Муҳтожларга мол-дунё ҳадя этиш – олийжаноб фазилат. Аммо шарти шуки, бу мол-дунё ҳалол меҳнатдан топилган ёки қонуний мерос бўлсин. Бировнинг мол-мулкини талаб ёхуд турли найранглар, ҳаром йўллар билан мол орттириб, кейин унинг бир улушини садақа қилиш – бу саховат эмас. Бундай мол ҳаромдир ва бундай “саховат” жавонмардликка ҳеч тўғри келмайди. Жавонмард ўғрилар, каззоблар, порахўрлар ахлоқидан ҳазар қилади. Иккинчи тарафдан, фақат мол-дунё беришнинг ўзини саховат демаганлар.

Саховат – авволо қалб саховати, меҳру шафқатдир, ҳалол ва покиза юриб, ҳалол хизмат билан кишиларга ёрдам кўрсатишдир. Шундай қилиб, жавонмардлик ва ҳалоллик, ростгўйлик эгизак тушунчалардир.

Албатта, кишиларга моддий ёрдам кўрсатиш – олий ҳиммат. Ҳотами Тойи бунинг тимсоли бўлган. У ҳеч нарсани ҳеч кимдан аямаган. Унинг сахийлиги, ҳиммати ҳақида ўнлаб ҳикоят ва ривоятлар бор. Лекин Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида Ҳотам зиёфатига бормасдан, саҳрода тиканаклар йиғиб, уни бозорга олиб бориб сотиш билан ўз маошини таъминлаган дарвеш ҳимматини Ҳотам ҳимматидан баландроқ қўяди. “Ҳотам миннатини тортгандан кўра, ўз меҳнатим билан ҳалол яшаганим афзалдир”, – дейди дарвеш. “Бунда улуғ шоир Ҳотам саховатини камситмаган ҳолда тамагирликни, текинхўрликни ва қорин ғамида бойлар, сармоядорларга мутеъ бўлишни мазаммат этади”. [ 45, 115-бет.]

Зеро, жавонмардлар саховати таъмани, гадойликни, бунинг орқасида бўладиган тилёғламалик, ялтоқлик, риёкорлик каби хунук одатларни рад этади. Мард инсон қаноатни ўзига пеша қилиб, нафс учун паст кетмаслиги керак. Агар сармоядор ҳар қанча сахий бўлса ҳам, бироқ ундан ҳадеб нарса,

сўраш, таъма қилиш инсон шаънига номуносиб. Ундан кўра ўз меҳнати билан қаноатда яшаш афзал, қаноат – улуғ давлат, қаноат – ҳимматнинг пойдевори!

Шундай қилиб, футувват қуйидаги рукнларни ўз ичига олади:

- мухтож кишилар, мискин дарвешларга беғараз ва беминнат моддий ёрдам кўрсатиш;

- амалий иш, чора-тадбир қўллаб, бошига мушкул тушган кишининг мушқулини осон қилиш, ҳожатини чиқариш;

- дардга чалинган кишиларни бепул даволаш, ҳар хил тиббий ёрдам кўрсатиш;

- қийин аҳволда қолган, йўлини йўқотганларга қўлдан келганча тўғри маслаҳат бериш, йўл топишга кўмаклашиш;

- ота-онасиз гўдақлар, етимларни парвариш қилиш, тарбиялаш;

- мусофирлар, меҳмонлар ҳурматини жойига қўйиш, уларни ҳар жиҳатдан хурсанд қилиш;

- қалб кўри билан ёшларга илм бериш, одамларга ўз хунари, илми ва касбини қизғанмасдан ўргатиш;

- қийин руҳий аҳволга тушганларни, бенаволарни меҳрибонлик, раҳм-шафқат билан парваришлаб ҳаётга қайтариш;

- силаи раҳмга амал қилиш, яъни қариндош-уруғ, ота-она ва фарзандлар аҳволидан хабар олиб туриш, уларни севиш ва мухтож бўлсалар ёрдамни аямаслик;

- тариқат биродарлари, пиру устозлар ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг орқасидан ёмон гап гапирмаслик, шаъну шарафи, номусини ҳимоя қилиш;

- ўз миллати, эл-улуси мафаати, шарафини ҳимоя қилиш, Ватан хавф остида қолганда, барча истеъдоди, молу жонини сарфлаб бўлса-да, қаҳрамонликлар кўрсатиш, Ватан учун жон фидо этиб, унинг мустақиллиги,

озодлигини сақлашга эришиш. Дин ва мазҳаб – эътиқод учун курашиш ҳам шунга киради.

Алишер Навоий “Сабаи сайёр” достони ҳикоятлари қаҳрамонларида футувват эгаларининг хислатларини кўрмоқчи бўлади ва шу сабабли улар инсон сифатида комилликка яқин туради. Достондаги “аввалги иқлим йўлидан кетурган мусофирнинг фасона демаги” бобида келтирилган Ахий ҳақидаги ҳикоят барча ҳикоятларнинг маъно-мазмунини ўзида жамлаган ҳикоятдир. Бу ҳикоятлар ахийликка хос бўлган барча фазилатлар куйланса, қолган ҳикоятларда бу фазилатлар якка-якка ҳолда қўлланади деб бемалол айтиш мумкин.

Тўғри ҳар бир ҳикоят ўзига хос сюжети йўналишига эга, аммо улардаги тасвирланган хислатлар бирлашса, ахийлик, футувватни ташкил этади. Футувватли кишиларнинг йўли биринчи ҳикоят қаҳрамони Ахий учун ҳаёт йўли эди. У ҳар бир ишини футувват аҳлининг қонун-қоидалари асосида бажаради. Шуниси аҳамиятлики, Навоий қаҳрамонлар номларини аташда ҳам рамзийликка эътибор қаратган.

Жумладан, Ахий отининг ўзи ҳам футувватли киши, дўст демакдир. Достоннинг “Аввалги иқлим йўлидан кетурган мусофирнинг фасона демаги” боби ахийлик, яъни сахийликнинг энг олий намунаси ҳақидадир.

Ҳалаб шаҳрида яшайдиган бир чинакам ахийнинг жуфти ҳалолани хинд шаҳзодаси Фаррух, дўстининг хотини эканини билмаган ҳолда, севиб қолади. Ахий ўз ёстикдошини ўша йигитга тортиқ қилади.

*Деди фикр айлабон мурувват ила,*

*Топти бу нуқтани футувват ила. [ 15, 142-бет.]*

Суюкли ёри деб ўйлаган бу аёл ўша соҳиби хонадоннинг хотини эканини шаҳзода юртига қайтаётганда – йўлда билиб қолади. У ҳам мардликка мардлик қайтаради: “омонат”га хиёнат қилмайди. Ҳаёт тақозоси шундай бўладики, йиллар ўтиб шу яхшиликларни Фаррух Ахийга қайтаради – умр йўлдошини қайта ўзига никоҳлаб беради.

Ахий барча эзгу хислатлар, сифатлар эгасидир. Шу йўлни тутгани сабабли ҳам у ўзи учун азиз ва севимли бўлган хотинини талоқ қилиб дўстига никоҳлаб беради. Буни ўқиган, эшитган одамлар унинг бу хатти-харакатларини тушунмайди. Унинг бу ишини ақлдан ташқарида деб ҳисоблайди. Аммо футувватнинг моҳияти ҳам ана шунда. Моҳият нарса-буюм ёки инсонларга қараб ўзгармайди. Ахий бу йўлни тутиб, табиийки, ўзи руҳан эзилади, аммо бир инсонни тушкунликдан қутқариб, янги ҳаёт бошлашига имкон яратди. Бунга жавобан дўстининг ундан-да мурувват кўрсатиши ҳикоя хотимасини гўзаллаштиради.

*Гар анга бу қадар мурувват бор,*

*Бизда ҳам шаммайи футувват бор.* [ 15, 147-бет.]

Бу ҳам Ахий саховатининг муносиб баҳоланиши эди. “Шоир сахийликни – мурувват, ахийликни – футувват санайди”. [ 66, 90-бет.]

Умуман, Алишер Навоий ўзининг асарларида, жумладан, “Сабъаи сайёр”да футувват таълимотининг қонун-қоидаларини ўзида мужассамлаштирган қаҳрамонларни тасвирлашга ҳаракат қилган. Шоир тасвирлаган ижобий қаҳрамонлар табиатида футувватли кишиларга хос бўлган эзгуликларни кўришимиз мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат яхшилик қилиш Навоий қаҳрамонларининг бош мақсадидир.

## 2.2. Жавонмардлик ва “Сабъан сайёр” хикоятлари

“Керакли жойда ҳақ гапни айтиб, ҳақиқатни барқарор этиш, ноҳақлик ва фитна-фасод, зулмни фош этиш ҳам футувватга киради”. [45, 116-бет.] Чунки ноҳақликни кўриб-билиб, жим турадиган одамлар кам эмас. Улар зулмкорлардан кўрқадилар ёки бирор кори ҳол бўлмасин, манфаатимга зарар етмасин, деб андиша қиладилар. Натижада зулму ситам аҳли ўзларини эркин ҳис қиладилар, беҳаёлашиб, қутуриб кетадилар. Кишиларнинг мансабидан, куч-қудратидан кўрқмай, улар йўл қўйган ноинсофликни юзларига айтиш керак, бу инсоннинг олий фазилатларидан биридир.

Демак, инсоф ва ҳақгўйлик жавонмардлик талабларидандир. Фикр жасорати, эътиқодда мустаҳкам туриш мардлик хислатларидан бўлиб, бундай одамларни халқ ҳам, дўсту душман ҳам ҳурмат қилади.

Ибн Батута “Сафарнома” асарида келтирган Самарқанддаги жоме масжидининг имоми Ҳисомиддин ал-Ёғий билан султон Тармаширин орасидаги муносабат бунга яхши мисолдир. “Бир куни мен пешин намозини адо этиш учун масжидга бордим, - деб ҳикоя қилади Ибн Батута, аммо султон ҳали йўқ эди. Унинг маҳрамларидан бири намоз ўқиладиган гиламчани келтириб, одатда султон ибодат қиладиган жойга ёйиб қўйди ва Ҳисомиддин ал-Ёғийга мурожаат этди: “Султонимиз таҳоратни тугалламагунига қадар намозни бошламай кутиб турар экансиз, у шундай деб буюрди”. Имом ўрнидан туриб, деди: “Намоз Худо учун ўқиладими ёки Тармаширин учунми?” У муаззинга намозни бошлашни буюрди. Султон масжидга кириб келганда икки ракат намоз ўқиб бўлинган эди. Шунда у икки ракат намозни қолган жойидан адо этди. У намозни одамлар ўз пойафзалини ечиб қолдирган жойда, масжид остонасида ўтириб ўқиди, намознинг ўқилмай қолган қисмини ҳам тугатиб ўрнидан турди, имомга яқин келиб, у билан қўл олишиб сўрашмоқчи бўлиб жилмайди. Мен эса имомнинг ёнгинасида турар эдим. Сўнгра султон менга қараб шундай деди: “Сен ўз мамлакатингга

кайтиб борганинга ҳатто энг камбағал форс ҳам турклар султониға қандай муомала қилишини айтиб бергил”. [42, 70-бет.]

Араб сайёҳи бу ҳикоя орқали Ҳисомиддин ал-Ёғийнинг эътиқодни, шариатни пок сақлашдаги жасоратини кўрсатиш баробарида султоннинг мардлиги, камтарин ва олийжаноблигини ҳам таъкидламоқчи бўлади. Султон имомга ғазаб қилиш, уни қатл этиши ҳам мумкин эди, лекин Тармаширин чин мусулмон сифатида иш кўради, ҳақгўй шайхга озор бермайди. Ушбу шайх, Ибн Батутанинг ёзишига қараганда, “султондан ҳеч бир совға олмасди, ҳеч қачон унинг таомини тановул этмасди, у тухфа қилган кийим-кечакни киймасди, чиндан ҳам у Аллоҳнинг тақводор бандаси эди”. Шунга қарамай, султон Ҳисомиддин ал-Ёғийни ҳурмат қилган, унинг орқасида туриб намоз ўқиган.

Ҳа, маънавияти юксак одамлар одил ва жасур бўладилар, улар Ҳақнинг ердаги вакилига айланиб, бошларига қилич келса-да, эътиқод-имонларини сотмайдилар. Тарихда бунга мисоллар кўп.

Хуллас, жавонмардлик тариқати мўмин-мусулмонлик, илму ҳикмат эгаси бўлиш, сидқу сафо бобида жонбозликлар кўрсатиш экан, бунда руҳий-ахлоқий етукликка катта аҳамият берилган. Чунки одам ғоят ақлли, жуда катта истеъдод соҳиби бўлиш мумкин. Лекин агар у маънавий жиҳатдан тарбия кўрмаган бўлса, комилликка даъво қилолмайди. Ақлий етуклик маънавий етуклик билан қўшилиши керак. Ахлоқан пок инсоннинг ақли эзгу ишларга сарфланади ва аксинча, ахлоқан нопок одамнинг ақли ёмон ишларга сарфланиб, одамлар бошига фалокат келтиради. Худди шу боис аждодларимиз инсоннинг руҳий-маънавий камолотини биринчи даражали вазифа, деб қараганлар ва ахлоқий сифатларни жавонмардлар қоидасига айлантирганлар. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” асарида футувватнинг етмиш битта шарт-талаби санаб ўтилади. Бу шартларнинг аксарияти ахлоқий талаблардир. Кошифийнинг фикрича, етмиш

битта шарт-талабнинг қирқ саккизтаси “вужудий”, яъни ижобий хислатлар бўлиб, йигирма учтаси “азалий”, яъни салбий хислатлар ҳисобланади.

Жавонмард одам ижобий хислатларни эгаллаб, салбий хислатлардан сақланиши даркор. Аммо “вужудий” – ижобий хислатлар қуйидагилардир: биринчи – ислом, иккинчи – имон, учинчи – ақл, тўртинчи – илм, бешинчи – хилм (ҳалимлик), олтинчи – зуҳд (тақво), еттинчи – вараъ (парҳез), саккизинчи – сидқ, тўққизинчи – карам, ўнинчи – мурувват, ўн биринчи – шафқат, ўн иккинчи – эҳсон, ўн учинчи – вафо, ўн тўртинчи – ҳаё, ўн бешинчи – таваккул, ўн олтинчи – шижоат, ўн еттинчи – ғайрат, ўн саккизинчи – сабр, ўн тўққизинчи – истиқомат, йигирманчи – насихат, йигирма биринчи – нафс таҳорати, йигирма иккинчи – олий ҳимматлилик, йигирма учинчи – яширин, йигирма тўртинчи – раҳмдиллик, йигирма бешинчи – шариат риояси, йигирма олтинчи – амри маъруфни бажариш, йигирма еттинчи – ота-она ҳурматини бажо келтириш, йигирма саккизинчи – ғайрат, йигирма тўққизинчи – устоз хизматида бўлиш, ўттизинчи – ҳамсоя ҳаққини адо этиш, ўттиз биринчи – тилга фақат савобга лойиқ каломни келтириш, ўттиз иккинчи – кўп билиб, оз гапириш, ўттиз учинчи – ҳамма жойда ҳалолни талаб қилиш, ўттиз тўртинчи – салом одобини сақлаш, ўттиз бешинчи – яхшилар ва поклар билан суҳбатлашиш, ўттиз олтинчи – оқиллар билан суҳбатлашиш, ўттиз еттинчи – шукр қилиш, ўттиз саккизинчи – мазлумларга ёрдам қўлини чўзиш, ўттиз тўққизинчи – етим-есирлар, ёлғиз кишилар аҳволини сўраб туриш, қирқинчи – фикрат ва ибрат кўрсатиш, қирқ биринчи – ихлос билан амал қилиш, қирқ иккинчи – омонатга хиёнат қилмаслик, қирқ учинчи – шайтоний нафсга қарши душманлик кўрсатиш, қирқ тўртинчи – инсоф чизигидан чиқмаслик, қирқ бешинчи – ризо-розилик ҳиссини йўқотмаслик, қирқ олтинчи – касалларни кўришга бориш, қирқ еттинчи – ножинс ва нокаслардан узоқ туриш, қирқ саккизинчи – доимий зикр билан банд бўлиш, яъни Худонинг номини тилдан қўймаслик.

Жавонмард киши учун ман этилган нарсаларга кабиҳ сўз сўзлаш, пир ва устозларга қарши гапириш, яхшиларнинг орқасидан ғийбат қилиш бировни мазах-масхара қилиш, ғаламислик, ёлғон-алдовга берилиш, бойлик тўплашга ружуъ этиш, ҳирс домига тушиш, одамлардан айб қидириш, судхўрлик қилиш, бўҳтон-туҳмат қилиш, зинога йўл қўйиш ва ҳакозолар киритилган.

Кошифий махсус таъкидлайди: “Кимки, мазкур етмиш бир шартдан беҳабар бўлса, футувватдан бебаҳрадир”. [86, 12-бет.] Муаллиф футувватни бир сермева дарахтга, ток дарахтига ўхшатади: дарахтда тана, пўстлоқ, илдиз, шоху барг ва гулу мева бўлганидай, футувватнинг ҳам танаси, илдизи, пўстлоғи, шохи ва гулу меваси бор. Футувват дарахтининг илдизи, яъни унга қувват бериб яшнатадиган, гул ва мева келтирадиган асл манбаъ – пок муҳаббатдир... Ушбу дарахтнинг танаси – тавозуъ, шохлари – сабру тоқат, япроқлари – парҳез, пўстлоғи – одоб ва ҳаё, гуллари – хушфеъллик ва марҳамат, меваси – карам билан саховатдир.

Жавонмард одам халқ озоридан қўлини тортадиган, туҳмат жойларга бормайдиган, ношоиста мажлисларни тарк этадиган, кўриши лозим бўлмаган нарсалардан кўзини беркитадиган кишидир. У ҳам зоҳиран ва ҳам ботинан пок бўлиши керак.

Жавонмардлик мурувват тушунчаси билан маънодош, чунки авф ва марҳамат, халққа шафқат кўргизиш, кишилар гуноҳини кечириш ва иложи борича одамларга яхшилик қилишни кундалик одатга айлантормоқ олий фазилат ҳисобланган:

*Меҳрибон бўл, эй азизим, меҳрибон,*

*Меҳрибонлик мардликдандир нишон.* [86, 12-бет.]

Футувватнинг ўзига хос расм-русумлари, одоб-қоидаси бўлган экан. Масалан, пок эътиқодли, “ўз холида устувор”, тама ва ғараздан халос бўлган, илгари тариқат шайхи қўлида тарбия кўрган, риё ва маломатга гирифтор бўлмаган одамни пир деганлар. Шундай олийҳиммат, саховатли

инсон мурид тарбиялаш ҳукуқига эга бўлган. Ихлос билан тариқат йўлига кирган мурид эса ўз иродасини шайх иродасига бўйсундириб, маърифат мақомларидан баҳраманд бўлади – камолотга эришади. Мурид риёзат чекиш, ўқиш-ўрганиш, тоат-ибодатдан эринмаслиги, ўз шайхининг йўлини маҳкам тутиши керак. Аммо футувватчилар пирга қўл беришдан ташқари, шадд устози (вафо белбоғини шогирд белига боғловчи киши) ва нақиб, яъни “аҳд отаси” олдида қасамёд қилиб, бир умрлик аҳду паймон этишлари шарт бўлган. Нақиб – мурид бўладиган истеъдодли ёшларни танлайдиган одам. У халқ орасида юриб, футувват ақидаларини тарғиб этади, ёшларни бу ҳаракатга жалб қилади. Кишиларнинг ҳол-аҳволини пайқайдиган, рухшунос одамларни тариқат аҳли нақибликка муносиб деб ҳисоблаганлар. Нақиб аҳд отаси ҳисобланиб, тариқат фарзандини аҳду паймон ипи билан боғлайди, яъни аҳд отаси талабгор йигитга қараб: “Бизнинг аҳдимизни қабул қилиб, халқамизга кирдинг, энди шайтон амрига кирмайсан ва макруҳлардан парҳез қиласан” [86, 29-бет.], – деб айтади. Толиб эса: “Халқангизга кирдим ва минбаъд хилоф иш қилмасликка аҳд қилдим”, – дея қасамёд этади. Бу маросим хонақоҳга шайх ва тариқат биродарлари гувоҳлигида амалга оширилган. Шундай кейин бўлажак фатий устоз қўлига топширилган. Устоз шогирд белига аҳду вафо белбоғини боғлайди.

Бу маросим қуйидагичадир: аввал покиза кенг бир жой танланган, тариқат биродарлари, шайх ва нақиб йиғилишиб ўтирганлар. Шайх жойнамоз устида ўрталикда ўтирган, аҳд отаси шайхга рўбару ўтирган. Мажлисга бир коса сув, туз ва беш пиликли шамни келтириб қўйганлар. Талабгор футувватга кириш шартларини айтиб аҳду паймон қилгандан кейин, устоз ўрнидан туриб, уни чап томонидан ушлаб, шайхга юзланади. Шайх фарзанд-муриднинг қўлини олади ва уни тавба қилдиради. Шайх шундан кейин белбоғни елкасидан тушириб, чап қўлига олади. Кейин белбоғни гилам устига оҳиста қўйиб, хутба ўқийди. Хутба тугагач,

футувватномада зикр этилган қоида ва талабларни айтиб, фарзандга эшиттиради. Ана шундан сўнг шадд устози ўрнидан туриб, иккала қўлини белбоғ остидан ўтказади. Аввал ўнг қўлини белбоғ остига юборади ва кўрсаткич бармоғини белбоғ остида тутиб туради. Шу ҳолатда фарзанд қулоғига зарурий сўзларни айтади ва белбоғни фарзанд белига боғлайди. Кейин тузли сувни мажлисда ҳозир бўлганларга ичирадилар ва агар махсус пиширилган “хуфия холваси” тайёр бўлса, ундан ҳам татиб кўрадилар. Белбоғ “фарзанд” белида уч кунгача ечилмасдан туради. Уч кундан кейин у устоз олдига келади ва устоз унинг белидаги белбоғини ечади.

Бу футувват маросимларининг бир қисми, холос. Шогирд, яъни халқага қабул қилинган фарзанд белбоғни ва хирқани (дарвешлар тўни) покиза жойларда эҳтиёт қилиб сақлаши, булғамаслиги керак. Ҳар бир шайх муридларининг ўз белгилари, рамзий ранглари, тимсоллари бўлган. Биров кўк, биров яшил биров зангори рангдаги тўн ёки кулоҳ кийиб, шу орқали қайси шайх сулукига мансублигини билдирган. Маросимларга қўйилган беш пиликли шам, сув, туз, ҳолванинг ҳам рамзий маънолари бор. Масалан, сув – ёруғликни, туз – фаровонликни, чироқ – қалб нурини, ҳолва – дўстлар оғзини ширин қилиб юришни англатган.

Футувват аҳлининг одоби ҳам ўзига хос. Ҳар бир касб эгасининг махсус одоби бор. Чунончи, томоша кўрсатувчилар одоби, ғазалхонлар одоби, девор урувчилар одоби ва ҳоказо. Бундан ташқари, ҳамма амал қилиши лозим бўлган умумий қоидалар ҳам ишлаб чиқилган. Масалан, жавонмард сафарга чиққанда нопок одамлар билан юрмаслиги, ножўя ишлар бўладиган жойларга бормаслиги керак. Бундан ташқари, касал кўришга бориш одоби, меҳмондорчилик одоби, кўчаларда юриш одоби, салом бериш одоби ва ҳоказолар мавжуд. Чунончи, касб-ҳунарга эга бўлиш одоби хусусида Кошифий бундай ёзади: “Билгилки, дарвеш ҳалол ва покиза касб билан шуғулланиши керак, чунки касб тариқатнинг зарурий шартларидандир. Зеро, умр ўтказишга зарур восита (маош) ҳосил

бўлмагунча киши осойишта бўлмайди. Ва агар киши ўз касби билан зарурий нарсаларни муҳайё этмаса, одамларни ранжитади, азобга қўяди”. [86, 69-бет.]

Абутоҳир ибни Ҳусайн ибни Али ибни Мусо Ибни Гарсусийга нисбат берилган “Абу Муслим жангномаси” асарида X асрларда тараққий этган жавонмардлик (футувват, сахийлик) жамоасининг барча хусусият ва талаблари ўз ифодасини топган.

Жавонмардлик айёр(рицар)лар жамияти бўлиб, ушбу жамиятнинг ҳар бир аъзоси жасур, вафодор, софдил, ростгўй, тadbиркор бўлиши, ожизларга ёрдам берувчи, яхшиларни ёмонларнинг ҳужумидан ҳимоя қилувчи, андишали ва мулоҳазакор, одил ва ўз меҳнати билан кун кўрувчи, кишиларга зиён етказмайдиган, таъмагир ва ҳасадгўй бўлмаслиги, хушхулқ ва ширинзабон, камтар ва сахий бўлиши лозим.

Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихига оид манбаларда Абу Муслим шахсияти, унинг наслу насаби ҳақида ҳар хил маълумотлар берилади. Масалан, улардан бирида (Мирхонднинг “Равзат-ус-сафо”сида) ёзилишича, Абу Муслимнинг насаби қадимги Эрон баҳодирларидан Гударзга нисбат берилади. Маълумки, Гударз Сиёвуш замонасида қора кийим кийиб жанг қилган. Абу Муслимнинг исми Иброҳим, лақаби Абуисҳоқ бўлиб, отасининг исми Муслим бўлган. Абу Муслим ҳам қора кийимда жанг қилган. Аббосий Иброҳим Иброҳим Имом Абу Муслимнинг номини ўз исми билан бир хил бўлиб қолишини истамай, ундан “Иброҳим” исмини ўзгартиришни илтимос қилади. Мана шунинг учун у ўз исмини Абдурахмон, лақабини Абу Муслим қилиб ўзгартиради.

Хуросон ва Мовароуннаҳр мустақиллиги, унинг равнақи учун фидокорлик кўрсатган оддий меҳнаткаш, халқ орасидан етишиб чиққан улкан саркарда Абу Муслим ҳақида “Равзат-ус-сафо”, “Тарихи Табарий”, “Тарихи Наршахий” каби табаррук манбаларда жуда кўп қимматли маълумотлар берилган.

“Абу Муслим жангномаси” кишиларимиз маънавиятини юксалтиришда, ёшларни жавонмардлик анъаналари асосида тарбиялашда, уларнинг қалбларида нур таратишда, фикрий оламини бойитишда катта ҳисса қўшади.

“Сабъаи сайёр” достонидаги Баҳром учун ровийлар тилидан айтилган “Ахий” ҳақидаги биринчи ҳикоят тўлалигича футувватга бағишлангандир. Агар эътибор берилса, Навоий ҳикоятлар қаҳрамонларида футувват эгаларининг хислатларини кўрмоқчи бўлади ва шу сабабли улар инсон сифатида комилликка яқин туради.

Ахий образи Навоий ҳикоятларининг етук образларидан бири. Навоий бу образда инсон-шахс қандай бўлиши лозим ҳаётда? деган саволга жавоб билан ёндашган. Ахий образини Навоий ҳаётидаги футувватли инсонларнинг эзгу фазилатларини жамлаган ҳолда яратган. Ҳар бир инсон ўзига хос ҳаёт йўлига эга. Бу йўлда эса фақат яхши ном билан қолиш кераклигини исботлаган Ахий образи ҳикоятлар қаҳрамонлари қулфидир. У комил инсон образига жуда яқин. Ахий ўзи ҳаётда нимагаки эришган ва унинг эгаси бўлган бўлса, шуларнинг барчасини ўзгалар билан баҳам кўрган. Ахийнинг мурувват ва футувватлилиги Фаррухга ибрат бўлади. Навоий Фаррухдан сўнгра ошиқлик, мурувват, ҳимматни улуғлайди.

Иккинчи ҳикоят “Зайд ва Заҳҳоб” ҳақидаги ҳикоят эди. Ҳикоят қаҳрамони ҳақида қуйида бир қанча фикрларни айтиб ўтамиз. Булардан биринчиси – Зайд Заҳҳоб ақлий етук аммо, маънавий етук бўлмаган инсон образидир.

Футувватчиларнинг асосий талаби ҳам ана шунда. Ақлий етуклик маънавий етуклик билан қўшилиши керак. Зеро, футувват эгаси мукамал, комил инсон демакдир. Зайд заргар образи орқали Навоий бойликка ружу қўйган, уни ҳаёти манбаига айлантирган инсон, шахс образини яратмоқчи бўлади. Гарчи Зайд заргар ўз ишининг моҳир устаси, унинг билимдони

бўлса-да, унда маънавий қашшоқлик бор эди. Шунинг учун ҳам у мукамал инсон бўла олмас эди.

Навоий “Сабъаи сайёр” достонининг ушбу ҳикоятида юрт ҳукмдорларини ниҳоятда сергак ва хушёр, зукко ва тадбиркор бўлишга чақиради. Шоир уларни мамлакатни идора қилишда илм-ҳунар аҳлидан фойдаланишлари зарурлигини таъкидлаган ҳолда, айтиш пайтда подшоларни эҳтиёткорликка чақиради. Чунки илм-ҳунар вакилларининг айрим нопок ҳаракатлари туфайли саройда қаллоблик, хиёнат, мунофиқлик, адолат, фиску фасод авж олиши мумкинлигини айтиб ўтади.

Ҳикоят хиёнат, узр ва авф тўғрисидадир. Навоий фикрича, гуноҳ қилмайдиган кишининг ўзи йўқ. Шунинг учун гуноҳкор ўз айбини бўйнига олиб, тавба қилса, уни кечириб лозим. Зайд орқали Навоий саройдаги нопок ишларни, ўғирликларни очиб беришга интилади.

Навоийнинг ҳикоят қаҳрамонлари тилидан айттирган сўзлари, фикрлари ҳаётийлиги билан характерлидир. Шунини айтиш лозимки, Зайд Заҳҳоб ҳақидаги бу ҳикоят ўша даврда саройда вазир бўлиб ишлаган Навоийга саройдаги қаллоб ишларни очиб бериш учун хизмат қилгандир.

Учинчи ҳикоят Саъд ҳақидаги ҳикоят бўлиб, бунда Навоий футувватнинг яна бир фазилати, шартларидан бири бўлган – илмли бўлишни улуғлайди. Саъднинг илмли, юксак фазилатли бўлиши уни ўз тақдирини яхши бир ҳолда яратишига ишора беради, асос бўлади. Саъд ўзининг ибротомуз характери билан ҳикоятда муҳим ўрин эгаллайди. Навоий Саъдни илмли қилиб тасвирлаши ҳам футувват шартларидан бирини бажариши билан характерланади.

Олтинчи ҳикоят “Муқбил билан Мудбир” ҳикоятидир. Навоий бу икки карама-қарши образлар орқали инсонлардаги турли хислатларни очиб бера олган. Мудбир табиатан ношукр, мансабпараст, худбин, ёлғончи бўлса, унга қарши ўлароқ Муқбил сабр-қаноатли иродали, имон-эътиқодли, эртанги кунидан умидвор бандадир. Мана шу хусусиятлари туфайли ҳар иккиси бу

дунёда ўзига керакли бўлган ўринларни эгалари бўлишди. Муқбил тўлалигича сабр-қаноат, шукроналик тимсолидир. Бу эса Муқбилни фувват аҳлидан эканлигини кўрсатади.

Хуллас, Алишер Навоий гарчи жавонмард номи билан махсус ҳикоя ва образ яратмаган бўлса ҳам, Фарҳод, Масъуд, Саъд, Фаррух, Искандар, Шопур, Муқбил сингари ҳақиқий жавонмардлар тимсолида ўзининг бу масалага доир қарашларини етарли даражада ифодалай олган.

## УЧИНЧИ БОБ

### ФУТУВВАТ ҒОЯЛАРИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМЛАШТИРГАН ТИМСОЛЛАРНИ ЯРАТИШДА ШОИР МАҲОРАТИ

Алишер Навоий ҳазратлари ҳам тасаввуф таълимотининг намоёндаларидан бири бўлган. Шу сабабли ўз асарларида, асарлари қаҳрамонларида футувватга хос бўлган жиҳатларни сингдириб борганлар.

Навоий “Хамса”си беш мустақил дostonни ўз ичига олган ҳолда яхлит бирликка, умумий бир ғоявий-бадий йўналишга, умумий мақсадга ҳам эга бўлган улкан асар эди ва бу томони билан ўз салафлари “Хамса”ларидан яққол ажралиб туради. Яъни, бу дostonлар ўзаро сунъий равишда эмас, органик равишда чамбарчас боғланган, бири иккинчисини тўлдиради ва охириги дoston “Садди Искандарий”да Навоий “Хамса” асарига якун ясайди.

Навоий дostonларининг бош ғоялари инсоф ва адолатни, мардлик ва инсонпарварликни, халқпарварлик, ватанпарварлик ва маърифатни, меҳр-муҳаббат ва вафодорликни, ҳаёт ва гўзалликни, дўстлик ва садоқатни, тўғрилиқ ва ҳалолликни мадҳ этиш, зулм ва адолатсизликни, хиёнат ва алдамчиликни, жаҳолат ва қоронғуликни, талончилик ва босқинчиликни қоралаш, кескин фoш этиш ва рад этишдан иборатдир. Бу ғоялар “Хамса”нинг ҳамма дostonлари моҳиятида туради. “Хамса”даги бош қаҳрамонлар ҳам ана шу илғор ва олижаноб ғоялардан, халқнинг орзу ва умидларидан келиб чиқиб яратилган.

“Хамса” дostonларидаги масалалар мазмун ва моҳият нуқтаи назаридан ҳар томондан ўрганилса, бу дostonлардаги муштарак жиҳатларни ишқ, комил инсон, мукамал жамият ва адолатли ҳукмдор муаммолари доирасида уйғунлаштириш мумкин.

“Хамса”, аввало, шоирнинг ўз даврига, ҳаётга, замонанинг ижтимоий масалаларига фаол муносабатини кенг ва чуқур ифодаловчи бадиий полотно сифатида юзага келди.

Ўз даврининг юксак идеаллари учун курашган Навоий “Хамса” дostonларида зулм ва адолатсизликни ранг-баранг бадиий шаклларда чексиз ғазаб ва нафрат билан ҳар қадамда қоралади.

“Ҳайрат ул-аброр” дostonида Навоий файласуф, ҳаёт тажрибасига бой шоир, жамоатчи арбоб ва олим сифатида қалам тебратиб, ҳаётнинг, ижтимоий гуруҳлар характерининг яхши ва ёмон томонларини дидактик ҳамда киноя йўлида баён қилади, жамиятни яхшилашнинг ҳар бир масаласи бўйича мулоҳаза юритади. Ҳар бир дostonда инсон ва жамиятга алоқадор муайян муаммолар ва уларнинг фалсафий ечимини тақдим этади. Сўнгги дoston – “Садди Искандарий”да комил инсон, идеал ҳукмдор ва мукаммал жамият ҳақидаги фикрлар ўз ифодасини топган.

Тадқиқот объектими Алишер Навоийнинг эпик асарлари, аниқроқ қилиб айтганда “Хамса” асари таркибига кирувчи “Сабъаи сайёр” дostonи бўлгани боис, барча гапларимизнинг тасдиғини шу дostonдан топишга ҳаракат қилдик. Барчамизга маълумки, “Сабъаи сайёр” “Хамса”нинг тўртинчи дostonи бўлиб, у 1484 йили ёзиб тугалланган. Дoston учун Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган “Баҳром Гўр” афсонаси асос бўлган.

Дostonнинг таркибий тузилишига эътиборимизни қаратсак, у 38 бобдан иборат бўлиб, 11 боби дostonнинг муқаддимасидир. Муқаддима анъанага кўра, ҳамд, муножот, наът билан бошланади. Бунда Навоий Аллоҳни, пайғамбар ва халифаларни таъриф ва тавсиф қилади. Асарнинг IX боби Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳига бағишланган. Навоий ўзининг дўстини таърифлашда футувват ғояларининг бадиий талқинидан кенг фойдаланади. Унинг нақадар олийжаноб ва олийҳиммат эканини айтиб ўтади. Бу бобни ўқиганда китобхонда Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарода футувватли

кишиларга хос барча фазилатларни кўрмоқчи бўлганлигини пайқаш мумкин. Агар Ҳусайн Бойқаро мадҳининг илк таърифини келтирамиз:

*Қай шаҳ улким, азалдин этти илоҳ,  
Ани офоқ шаҳлари уза шоҳ.  
Дин ливоси, алам тирози ул,  
Аҳли дин ичра Шоҳи ғозий ул  
Шоҳ Султон, Ҳусайн бин Мансур,  
Ким бериб нусрати жаҳонга сурур. [15, 54-бет.]*

У азалдан шоҳлар шоҳи, диннинг байроғи, илм тарозиси, аҳли дин орасида ғолиб шоҳ бўлиб яратилган. Шоҳ Султон Ҳусайн бин Мансурнинг зафарлари бутун оламга хурсандлик бахш этди. У саховат эгасидир.

Футувватли кишиларнинг бошқа оддий инсонлардан фарқи ҳам ана шу “саховат”идадир. Уларнинг биринчи ва энг юксак сифатлари кўли очик, сахий ва бу ишларни ҳеч бир таъмасиз қилишидадир. Алишер Навоий шоҳ Ҳусайн Бойқарони тасвирлар экан, уларни идеалидаги, орзусидаги шоҳ каби тасвирлашга ҳаракат қилган ва бунга эришган. Ҳусайн Бойқарони футувватли кишиларга хос бўлган бир шахс эканини кўп бора таъкидлаган.

Футувватли кишиларнинг яна бир ажойиб, ҳавас қиларли хислати бу уларнинг адолатпарвар, жабр-зулм, хўрликка қарши эканидадир.

*Эшитиб ҳукм ҳар тараф мазлум,  
Бори омингга айлаганда ҳужум,  
Анда ширин калому хандон юз  
Бирлаким, халқдин сўрарсен сўз.  
Дафъ этиб халқ бошидин бедод,  
Берибон додким, қилурсен шод.  
...Анда Нуширвон керак баққай,  
Бошини иргатиб авуч қаққай. [15, 60-бет.]*

... Ҳар тарафдаги мазлумлар сенинг ҳукмингни эшитиб, барчаси нола қилиб қўзғолганларида, сен ширин каломинг ва очик чеҳранг билан халқ

олдида сўз сўзлаб, унинг бошига тушган зулмини адолат ҳукми билан алмаштириб шод қилурсан... Унда Ануширвон ҳам ўз адолатини эслаб хижолат чекади ва сенга қойил қолганидан бошларини силкитиб қарсақ чалади. Сенинг адолатинг кундан-кунга барқарор топиб бутун жаҳонга шуҳрати таралади.

Бу таърифу тавсифлар Хусайн Бойқаронинг адолатпеша шоҳлигидан далолат беради. Алишер Навоий шоҳ мадҳида тўлалигича футувват оҳанги билан йўғрилган деб бемалол айтишимиз мумкин.

Энди XI бобдаги Баҳром мадҳига диққатимизни қаратсак. Навоий бу мадҳда ҳам ўзига хос йўллар орқали шоҳни ўзи орзу қилган даражада тавсифлайди. Жумладан, унинг отаси Яздажурд қанчалик пасткаш инсон бўлса, Баҳром шунчалик “садаф ичидаги гавҳар каби порлоқ эди...”.

Агар эътибор бериб қаралса, Хусайн Бойқаро ва Баҳром мадҳида умумийлик йўқ эмас. Зеро, Алишер Навоий ҳар иккала шоҳда ҳам комил инсон, адолатпарвар шоҳ, бир сўз билан айтганда, футувватли кишиларнинг бир вакили қилиб таърифламоқчи бўлган.

Баҳромнинг адолатпарварлиги хусусида Навоий шундай дейди:

*Мулк боғин баҳори адл била,*

*Сувариб жуйбори адл била.*

*...Ҳар не вайрон қилиб эди бедод,*

*Дод ила қилди барчасин обод. [15, 65-бет.]*

Мамлакат боғини адолат баҳори билан безади ва ҳаёт жўйбори билан суғорди... Нимаики зулм, бедодлик билан вайрон қилинган бўлса, доду адолат билан барчасини обод айлади.

Бу мадҳлар адолатли шоҳ Баҳромни эзгу фазилатлар эгаси этиб таърифлайди.

Асарнинг муқаддимасидан сўнг, яъни XII бобдан асосий воқеалар бошланади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш керакки, Алишер Навоий шоҳ ва ишқ масалаларини асарда бир-бирига қарши нарсалар дея

тасвирлайди. Яна ҳам аниқроғи Баҳром ишққа бўлган муносабати туфайли шоҳлигини унутган шахс бўлиб чиқади. Бу эса Навоийнинг етук шоҳ ҳақидаги тасаввурларига путур етказди. Балки, Баҳром фожеасининг асл сабаби ҳам ана шундадир. Ахир Баҳром қайсидир маънода замона шоҳлари образи эди. Шу ўринда Навоий Баҳромнинг руҳий ҳолатини шундай тасвирлайди : “Ниҳоят у: “Шоҳлик мартабаси кўлимда бўлса, бундай маҳваш косагулни ҳар қачон топишим мумкин; мен қанчадан бери бу гўзал билан маишат қилмоқдаман, агар шоҳ бўлмасам, бунинг висолига муяссар бўла олармидим? Йўқ! Мамлакатим – шоҳлигим бўлмаса, у офат мен билан бирга бўлмасди ва тирикчилик қилмасди... Кимки ишқ билан шоҳликни бирга олиб бораман деса, муз сумалагидан шамъ ясайман, деганга ўхшаш гап бўлади”, – деган фикрга келди”. [15, 87-бет.]

Кўриниб турибдики, Навоий Баҳром тилидан айттирган бу сўзларини ўзи ҳам, сўнгра муаллиф тилидан тасдиқ этади: “Ишқ билан шоҳлик ҳеч қачон бирга бўлиши мумкин эмас, лоф уриши мумкину, аммо шоҳ ҳеч қачон ўз ишқига содиқ қолиши мумкин эмас...”. Навоий Баҳромни шундай катта йўл устига қўяди.

"Сабъаи сайёр" нинг ғоявий-бадий кўламида етти ҳикоя жуда кенг ва катта ўрин тутди. Бинобарин, Навоий:

*Лутф бу назм аро бағоятдур,*

*Ғараз аммо етти ҳикоятдур,*

– дейди. Навоий қасрлар туси ва кунларни, уларнинг адади ва тартибини айнан Низомий ва Дехлавий дostonларидагидек сақлаб қолади:

Биринчи ҳикоя – Шанба – қора қасрда;

Иккинчи ҳикоя – Якшанба – сарик қасрда;

Учинчи ҳикоя – Душанба – яшил қасрда;

Тўртинчи ҳикоя – Сешанба – гулгун қасрда;

Бешинчи ҳикоя – Чоршанба – нилуфар қасрда;

Олтинчи ҳикоя – Пайшанба – сандал тусли қасрда;

Еттинчи ҳикоя – Жума – оқ қасрда.

Биринчи ҳикоя. Шанба. Қора қаср. Ҳижрон дардидан қалби зим–зиё бўлган Баҳром қора либосда... У қора либос кийган ҳинд гўзали билан мушкин май ичади. Кун бўйи қалби зимистон, кўнгли Қаш... Кеч кириб, оламга қоронғилик чўкди, Баҳромнинг ҳижрон дардлари янада ортди, уйқусизлик. Ниҳоят, бир мусофирни олиб кирдилар. Қора либос кийган Ҳиндистонлик мусофир шахзода Фаррух ва сахий Ахий, улар бошидан кечирган қора кунлар ҳақида ҳикоя қилади...

Иккинчи ҳикоя. Якшанба. Сарик қаср. Зарбоф либослар кийган Баҳром сарик либос кийган румлик гўзал билан олтин қадахда сарик май ичиб, кўнгли ғаш ҳолатда кунни кеч қилади. Бунда румлик мусофирни чорлаб келдилар. Мусофир Зайд Заҳҳоб (Зайд заргар) деган шахснинг саргузаштларини ҳикоя қилади...

Учинчи ҳикоя. Душанба. Яшил қаср. Яшил либос кийган шахрисабзлик гўзал билан яшил қадахда май ичиб, кунини кеч қилади. У Саъд ҳақида ҳикоя қилади... Саъд оғир шартларни бажариб, даҳшатли тўсиқларни енгиб, катта синовлардан ўтиб маъшуқаси висолига эришган жасоратли, мард ва матонатли йигит...

Тўртинчи ҳикоя. Сешанба. Гулгун қаср. Гулгун либослар кийган Баҳром шафақ ранг кийим кийган гўзал билан ёқутфом соғарда лаъл май ичиб, кунни кеч қилади. Тунда ҳиндистонлик мусофир шоҳ Жуна ва сахий Масъуд ҳақида ҳикоя сўзлайди. Ҳикояда яхшилик ва ёмонлик, саховат ва зикналик, олижаноблик ва бахиллик, ёвузлик ва эзгулик ҳақида баҳс юритилади. Яхшилик, олижаноблик, умуман, эзгулик ёмонликлар устидан тантана қилади:

*Хушдурур боғи коинот гули,*

*Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.*

Бешинчи ҳикоя. Чоршанба. Мовий қаср. Мовий либослар кийган Баҳром, нилуфарий либосдаги гўзал билан бирга фиразагун жомда май ичиб, кунни кеч қилади. Аммо кўнгли Қаш... Эҳтимол, афсона дардларини енгиллаштирар деган умидда, бешинчи иқлимдан келган йўловчи қиссахонни келтирадилар. У Меҳр ва Суҳайл ҳақида ҳикоя сўзлайди... Бунда ҳам яхшилик, меҳр, вафо, умуман, эзгулик қабоҳат, жаҳолат, разолат устидан ғалаба қилади. Севгилиси Меҳрнинг маслаҳату тадбири билан зиндондан қутулган Суҳайл ёвузлик, қабоҳат тимсоли Жобирга ҳамла қилади ва дейди:

*Сен агар зоҳир эттинг итликни,  
Мен санга кўргузай йигитликни...*

Жобир шармандаю шармисор тарзда енгилиб, маҳв бўлади...

Олтинчи ҳикоя. Пайшанба. Сандал тусли қаср. Шу рангда либослар кийган Баҳром, сандалнинг хуш ҳиди таралиб турган гўзал билан сандал ранг май ичиб, кунни кеч қилади. Олтинчи иқлимдан келган мусофирдан Муқбил ва Мудбир ҳақида ҳикоя тинглайди... Чексиз хаёлот асосида яратилган ҳикоя-эртакда инсоний фазилатлар эгаси Муқбил билан ёлқончи, ҳийлакор Мудбир ҳақида баҳс кетади. Охир-оқибатда тўғрилиқ, ҳақиқат устун келади, кўп қийинчиликлар, машшаққатлар чеккан Муқбил мурод-мақсадига етади...

Еттинчи ҳикоя. Жума. Оқ қаср. Оппоқ либослар кийган Баҳром шу тусдаги либосларга бурканган гўзал билан биллур жомда оқ май ичиб кунни ўтказади. Кеч кириб, шом чўкди. Баҳромнинг кўнгли ғаш... Шу чоғ Хоразмлик мусофирни чорлаб келтиришади. Мусофир ўз саргузаштлари билан бирга, Дилором ҳақида ҳам ҳикоя қилади.

“Сабъаи сайёр” достонидаги Баҳром учун ровийлар тилидан айтилган “Ахий” ҳақидаги биринчи ҳикоят тўлалигича футувватга бағишлангандир. Агар эътибор берилса, Навоий ҳикоятлар қаҳрамонларида футувват эгаларининг хислатларини кўрмоқчи бўлади ва шу сабабли улар инсон сифатида комилликка яқин туради. Жумладан, ахий ҳақидаги ҳикоят барча ҳикоятларнинг маъно-мазмунини ўзида жамлаган ҳикоятдир. Бу ҳикояда

ахийликка хос бўлган барча фазилатлар куйланса, қолган ҳикоятларда бу фазилатлар якка-якка ҳолда қўлланади. Тўғри, ҳар бир ҳикоят ўзига хос сюжет линиясига эга, аммо улардаги тасвирланган хислатлар жамланса, ҳар бирдан чиқаётган маънолар бирлашса – ахийлик, футувватни ташкил этади. Футувватли кишиларнинг йўли биринчи ҳикоят қаҳрамони Ахий учун ҳаёт йўли эди. У ҳар бир ишини футувватчилар қонун-қоидалари асосида бажаради. Шуниси аҳамиятлики, Навоий қаҳрамонлар номларини аташда ҳам рамзийликка йўл қўйган. Жумладан, Ахий отининг ўзи ҳам футувватли киши, дўст демакдир. Ахий барча эзгу сифатлар эгасидир. Шу йўлни тутгани учун ҳам у ўзи учун азиз ва севиқли бўлган хотинини талоқ қилиб, дўстига никоҳлаб беради. Буни ўқиган, эшитган инсонлар унинг бу ҳатти-ҳаракатига тушунмайди. Унинг бу ишини ақлдан ташқарида деб ҳисоблайди. Аммо футувватнинг асл моҳияти ҳам ана шунда. Моҳият нарса-буюм ёки инсонларга қараб ўзгармайди. Ахий бу йўлни тутиб, табиийки, ўзи руҳан эзилади, аммо бир инсонни жунунликдан қутқариб, янги ҳаёт бошлашига имкон яратди. Бунга жавобан дўстининг унданда мурувват кўрсатиши ҳикоя хотимасини гўзаллаштиради. Бу ҳам Ахий саховатининг муносиб баҳоланиши эди.

Шу ўринда ушбу ҳикоя учун асос бўлган ранг – қора ранг ҳақида ҳам тўхталсак. Қора ранг, умуман, ҳикоятлар учун рангларнинг танланиши албатта катта маънога эга. Қора рангнинг ўрни эса Баҳромнинг Дилоромдан айрилган айрилиқ кунларига тўғри келади. Бу ранг биринчи ҳикоятда айрилиқ, фидолик рамзи бўлди.

Иккинчи ҳикоят “Зайд ва Заҳҳоб” ҳақидаги ҳикоят эди. Ҳикоят қаҳрамони ҳақида қуйида бир қанча фикрларни айтиб ўтамиз. Булардан биринчиси – Зайд Заҳҳоб ақлий етук аммо, маънавий етук бўлмаган инсон образидир.

Футувватчиларнинг асосий талаби ҳам ана шунда. Ақлий етуклик маънавий етуклик билан қўшилиши керак. Зеро, футувват эгаси мукамал,

комил инсон демакдир. Зайд заргар образи орқали Навоий бойликка ружу кўйган, уни ҳаёти манбаига айлантирган инсон, шахс образини яратмоқчи бўлади. Гарчи Зайд заргар ўз ишининг моҳир устаси, унинг билимдони бўлса-да, унда маънавий қашшоқлик бор эди. Шунинг учун ҳам у мукамал инсон бўла олмас эди.

Навоий “Сабъаи сайёр” достонининг ушбу ҳикоятида юрт ҳукмдорларини ниҳоятда сергак ва хушёр, зукко ва тадбиркор бўлишга чақиради. Шоир уларни мамлакатни идора қилишда илм-ҳунар аҳлидан фойдаланишлари зарурлигини таъкидлаган ҳолда, айтиш пайтда подшоларни эҳтиёткорликка чақиради. Чунки илм-ҳунар вакилларининг айрим нопок ҳаракатлари туфайли саройда қаллоблик, хиёнат, мунофиқлик, адолат, фисқу фасод авж олиши мумкинлигини айтиб ўтади.

Ҳикоят хиёнат, узр ва авф тўғрисидадир. Навоий фикрича, гуноҳ қилмайдиган кишининг ўзи йўқ. Шунинг учун гуноҳкор ўз айбини бўйнига олиб, тавба қилса, уни кечириб лозим. Зайд орқали Навоий саройдаги нопок ишларни, ўғирликларни очиб беришга интилади.

Навоийнинг ҳикоят қаҳрамонлари тилидан айттирган сўзлари, фикрлари ҳаётийлиги билан характерлидир. Шунини айтиш лозимки, Зайд Заҳҳоб ҳақидаги бу ҳикоят ўша даврда саройда вазир бўлиб ишлаган Навоийга саройдаги қаллоб ишларни очиб бериш учун хизмат қилгандир.

Учинчи ҳикоят Саъд ҳақидаги ҳикоят бўлиб, бунда Навоий футувватнинг яна бир фазилати, шартларидан бири бўлган – илмли бўлишни улуғлайди. Саъднинг илмли, юксак фазилатли бўлиши уни ўз тақдирини яхши бир ҳолда яратишига ишора беради, асос бўлади. Саъд ўзининг ибротомуз характери билан ҳикоятда муҳим ўрин эгаллайди. Навоий Саъдни илмли қилиб тасвирлаши ҳам футувват шартларидан бирини бажариши билан характерланади.

Тўртинчи ҳикоятда Алишер Навоий футувватдаги саҳий бўлиш қондасини таърифлайди. Ҳикоят шуниси билан аҳамиятлики, саҳий

инсонларнинг айнан ҳукмдор бўлиши халқ учун, унинг фаровонлиги учун жуда ҳам зарурлиги айтилади. Ҳикоятдаги қаҳрамон шоҳлардан бири Дехли шоҳи Жуна орқали адолат, инсонф ва саховатнинг тенгсиз эгасини кўришимиз мумкин. Шундай тенгсиз шоҳдан-да одил ва сахийроқ бўлган Масъуд образи ҳикоятдаги энг муҳим образлардандир. Бу образ орқали Навоий ўз орзусидаги раҳбарни тасвирламоқчи бўлади. Унинг таърифида: “...Меҳмонни эъозлаб кутишда нодир эди...” [15, 92-бет.] деган сўзларни ишлатади. Бу таърифлар футувватни тан олган кишиларгагина хосдир. Масъуд ва Жуна образлари адолатли, сахий ва мард кишилар образларидир.

“Сабъаи сайр”нинг бешинчи ҳикояти қаҳрамонлари ҳам ўзига хос ажойиб сифатлар эгалари эди. Жобирдек зулмкор, ўз исмига монанд жабр кўрсатувчи кишига қарши чиққан Суҳайл ва унинг севгилиси Меҳр образлари ишқ суви билан суғорилган, яхшилик дарахтлари мисолидадирлар. Бу ҳикояда футувватга хос бўлган садоқат, золим ва мунофиқ шахсларга нисбатан нафрат, уларга қарши шавқатсиз кураш ғоялари илгари сурилади. Жобирни енгишда уларга (Суҳайл ва Меҳрга) ақл ва тадбир, жасорат ва мардлик, дўстлик ва ҳамжихатлик ёрдам беради. Бу каби хислатларнинг барчаси футувватнинг асосини ташкил қилади.

Олтинчи ҳикоят “Муқбил билан Мудбир” ҳикоятидир. Навоий бу икки карама-қарши образлар орқали инсонлардаги турли хислатларни очиб бера олган. Мудбир табиатан ношукр, мансабпараст, худбин, ёлғончи бўлса, унга қарши ўлароқ Муқбил сабр-қаноатли иродали, имон-эътиқодли, эртанги кунидан умидвор бандадир. Мана шу хусусиятлари туфайли ҳар иккиси бу дунёда ўзига керакли бўлган ўринларни эгалари бўлишди. Муқбил тўлалигича сабр-қаноат, шукроналик тимсолидир. Бу эса Муқбилни футувват аҳлидан эканлигини кўрсатади.

Ҳикоятлар ичида энг сўнггиси бўлган еттинчи ҳикоят Баҳромнинг ўз севгилиси бўлган Дилоромини топиш билан якун топади. Агар диққат

килсак, Дилором образи ҳам сабр, вафо, садоқат образининг юксак намунасидир. У Баҳромдан айрилгандан сўнг унга не-не ошиқ шохлар харидор бўладилар, Дилором эса Баҳром ёди, муҳаббати билан уларнинг барчасини рад этади. Бу вафо, бу садоқат яратган томонидан муносиб баҳоланади, улар васл билан топишдилар.

Воқеалар сўнггида Баҳром афсонаси фожеа билан тугайди. Баҳромнинг гўр домига гирифторлиги ва у яратган салтанатнинг тугаши ва Баҳром афсонасининг тамомланиши, унинг моҳияти ғоят мураккаб бўлади. Асарни ўқиган китобхон қарама-қарши фикрлар гирдобидида қолади. Навоий Баҳромни суюб тасвирлаган эди, нима учун уни даҳшатли бир ўлим билан юзлаштирди? Баҳром замона шоҳи эди, нима учун ёш ва салтанати гуллаган бир даврда якунланди?

Навоий ошиқ Баҳромнинг фазилатларини очиш учун катта эътибор беради. Айни масала дostonнинг ҳамма қисмларини бир-бирига боғлаб, бош масалани, унинг моҳиятини бўрттириб туради. Худбинлиги ва жаҳолати туфайли Дилоромдан айрилиб, ҳижронда қолган Баҳром етти сайёҳдан етти кунда етти афсона тинглайди. Уларда Баҳром учун ибрат бўладиган Сухайл, Ахий, Масъуд, Жуна, Фаррух каби ижобий хислатларга эга бўлган кишилар, уларнинг саргузаштлари ҳикоя қилинади. Афсуски, Баҳром улардан ибрат олмайди ва ўзи учун ҳаётини хулосалар чиқармайди, қайтадан яна кайф-сафога, овга ва турли дилхушликларга қаттиқ берилиб кетади. Салтанатни, халқни унутган, ўзлигидан мосуво бўлган Баҳром охир-оқибатда даҳшатли ҳалокатга мустаҳик бўлади.

Кунлардан бир кун Баҳром бутун сарой аҳли, қўшини ва Дилором билан овга чиқади. Бир сойхонликда ҳисобсиз жониворлар ўраб олиниб, овланади, чопқин қилинади. Оддий "дилхушлик" учун камалда қолган бегуноҳ жониворлар, она-табиатнинг мислсиз неъматлари қириб ташланади. Қон дарё бўлиб оқади. Ов маскани эски ботқоқлик бўлиб, вақтлар ўтиши

билан у ерларни чанг-тўзон қоплаб, устидан турли хил ўсимликлар ўсиб, табиатнинг сўлим бир гўшасига айланган эди. Кўп қон тўкилиши, осмонда булут пайдо бўлиб ёмғир ёғиши, иссиқ шамол эсиши оқибатида ернинг устки қобиғи юмшаб, ботқоқлик очилади ва бутун арқони давлат, қўшин билан бирга Баҳром ҳам, Дилором ҳам ботқоқликка ботиб, йўқ бўлиб кетишади. Шу тариқа фожеа юз беради, қилмишига яраша Баҳромни, у билан бирга қанчадан-қанча бегуноҳ кишиларни қон тутаяди, ер ютади... Навоий дostonни шу тахлитда чуқур ҳаётий, мазмун, фожиали манзара билан хотималайди.

"Сабъаи сайёр" – буюк бир панднома, ибратнома. Унда башариятнинг асрий орзулари, эзгу мақсадлари, шу билан бирга, ёмонликка, ёвузликка, зулм-зўрликка, севгида беқарорликка нисбатан улуғ мутафаккир ва мураббий Навоийнинг, демакки, инсониятнинг мурасасизлиги мужассамлашган. Навоий наздида ҳақиқий ошиқ фақат ўз севгилисини эмас, айна чоғда унинг халқини, юртини ҳам севиши, эъзозлаши ва унга комил бир фарзанд сифатида хизмат қилиши керак...

Бинобарин дostonдаги "туш" лавҳаси ҳар жиҳатдан ибратлидир. Дostonни хотималаш арафасида гўё Навоий туш кўрипти ва Баҳром ўз саргузаштларини ҳикоя қилипти, беъмаъни ва маъносиз айш–ишратлар билан кечган ҳаётдан афсус-надомат чекипти. Ва замон султони Ҳусайн Бойқорони ўзига ўхшатиб, унга панд-насихатлар қилипти...

*... Ул доғи айш сори мойилдур,  
Нағмау савт бирла хушдилдур...  
Шоҳлар ичра манга эрур монанд,  
Де олурман: эрур манга фарзанд...  
Эмди шоҳингга де саломимни,  
Сўнгра мундоқ етур паёмимни:  
Ки жаҳон кимсага вафо қилмас,  
Шоҳлиғ таркига киро қилмас.*

*Шоҳки минг йил анинг ҳаётидур,  
Фараз ўлганда яхши отидур...*

Агар асар сўнггидаги “Туш” бобига эътибор қаратсак, бу боб барча саволларга жавоб эканлигини билиб олишимиз мумкин. У ердаги Навоийга нисбатан Баҳромнинг сўзлари ғоят таъсирли ва кишини ўйлантирадиган. Жумладан, у шундай дейди:”... Мен бутун жаҳонни қўл остимга олган пайтимда ганж хазиналарни ер тагига кўмиб қўйган эмасман. Қўлимга нимаики тушган бўлса, шоҳу гадога берганман, эл-юрт манфаатига сарфлаб, дунёдан кетганман...”. Шунингдек, ўз сўзида Баҳром шоҳлар учун зарур бўлган фазилатлар, Султон Ҳусайн Бойқаро ва дунёнинг фонийлигидан сўз юритади. Унинг сўзлари сўнггидаги хитобини келтириб ўтамиз: “Бу жаҳон ҳеч кимсага вафо қилмагани каби, уни шоҳлик тарки учун суюнчи қилиб беришга ҳам арзимади. Шоҳ агар минг йил ҳаёт кечирганда ҳам, ўлганда яхши оти чиқмаса, аҳамияти йўқдир. Ҳаётинг минг йилга чўзилганда ҳам ўлдингми, ўша онда ҳамма нарса йўққа чиқади. Агар яхшилик билан отинг қолса-чи, мана шугина фахрланишга лойиқдир. Сенинг умринг хайр-эҳсон қилиш билан ўтган бўлса, отингнинг яхшигина чиққани шудир. Умид қиламанки, жаҳонда яхши отинг билан минг йиллаб қолгайсен! ”. [15, 102-бет.] Бу сўзлар замирида олам-олам фалсафий маънолар ётади.

Таъкидлаш жоизки, Навоий ҳикоялари бутунлай янги ҳикоялар бўлиб, улар халқ оғзаки ижоди асосида яратилган, уларда халқ руҳи, халқона моҳият сингдирилган. Уларда самимий севги ва садоқат, дўстлик ва оқибат, ҳиммат ва саховат, мардлик ва матонат, халқпарварлик ва донишмандлик каби масалалар сингдирилган. Ҳикояларнинг мавзулар кўлами кенг, уларда ҳаёт масалаларидан тортиб, турмуш воқеа-ҳодисаларигача, табиат ва унинг бағридаги наботат ва ҳайвонат олаmidан тортиб, коинот ва унинг бағридаги жисмларгача, алалхусус, она-ер , кўк билан ва уларнинг гўзалликлар олами билан боғлиқ барча–барча масалалар ҳамда уларга хос хосса ва хусусиятлар

мужассамлашган. Мутафаккир шоирнинг хаёлотини Мовароуннаҳр, Хуросон, Ажам, Ҳиндистон, Сарандиб, Миср, Рум, Яман ва бошқа ўлкаларга, сарҳадсиз саҳроларга, тўлқин уриб ётган денгизларга, сирли–синоатли жазирама жойларга парвоз қилади, турли манзил ва маконлар, хилма-хил эътиқод ва ижтимоий гуруҳларга ҳамда касб-корга эга бўлган кўплаб кишиларнинг тимсолларини, уларнинг шакли шамойилларини яратади.

Навоий ўз асарларида ишлатган ҳар бир ибора, ҳар бир сўзга жиддий муносабатда бўлган ва улардан ўринли фойдаланган. Бу ҳол унинг ранг, тус билдирувчи сўзлар ва уларнинг синонимларига бўлган муносабатида ҳам яққол намоён бўлади. Бу фикр унинг “Сабаъи сайёр” достонига ҳам алоқадордир.

Навоий бу асарида “қизил” тушунчасини англатувчи “гулгун”, “гулнорий” синонимларини қўллаган. Бу ҳолни бутун ҳикоя давомида кўрамиз:

*Шоҳ Баҳром кийди гулгун рахт,*

*Тикти гулгун уй ичра гулгун тахт,*

*Қасри гулгун сари қилиб оҳанг,*

*Истади ичса бодайи гулранг. [ 15, 204-бет.]*

Навоийнинг “қизил” ўрнига “гулгун” ва “гулнорий” сўзларини танлаб олиши ҳикоядаги ғоявий мақсаднинг талаби билан юзага келган. Чунки, Навоий “қизил” сўзини кўпроқ тасвир қон билан боғланган ўринларда ишлатади. Бу ҳикоянинг мазмуни эса бутунлай бошқача: саховат ва адолат – мангулик ва гўзаллик тимсоли бўлиб, ҳеч қандай куч олдида маҳв бўлмайди ва доимо барча гўзалликлар манбаи бўлмиш ҳаёт бўстонида оройиш беради. Шунинг учун ҳам бу ҳикоя шоир ижодининг энг характерли томонини ниҳоятда ёрқин ифода этган куйидаги байт билан тугайди:

*Хушдурур боғи коинот гули,*

*Барчадин яхшироқ ҳаёт гули. [ 15, 237-бет.]*

Шоир юқорида келтирилган парчаларда шеърий санъатлардан ҳам моҳирона фойланган. Ташбеҳ санъатини ишлатиб, асарга бадиий бўёқ берган.

Навоий ижоди бир томондан, ўзбек классик шеъриятида шаклланиш ва ривожланиш босқичида бўлган бир қатор бадиий санъатларнинг янада кенг заминда тараққий этиб, моҳият-эътибори билан юқори даражага кўтарилишида муҳим омил бўлган бўлса, иккинчи томондан, янги-янги санъат ва поэтик воситаларнинг шаклланиши ва адабий жараёндан ўзига муносиб ўрин олиши учун асосий замин бўлди.

Масалан, Навоийнинг:

Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,

Футувват барча қилмакдур, демак йўқ, –

фарди мисраларидаги қофияланган сўзлар равийда ҳам ҳаракату суқун (унли ва ундошлар)да ҳам бир-бирига мувофиқ. У тарсеънинг энг мукамал кўринишига мисол бўла олади.

Шеърий санъатлардан тарсеъ санъатининг қўлланиши, айниқса бир байтдангина ташкил топувчи фардларда муҳим. Чунки ҳикматли фикрнинг ўзига хос оҳанг билан жаранг топиши унинг ўқувчи ёдида сақланишида, оммалашиб кетишида катта аҳамият касб этади.

“Сабъаи сайёр” ҳам улуғ мутафаккир мураббий шоирнинг бошқа дostonлари, умуман, асарлари каби узок ўтмиш билан, муаллиф яшаган замон ва замин ҳамда бизнинг кунларимизу келажак асрлар билан бевосита боғлиқ бўлган умумбашарий ғояларни қамраб олган. Неча-неча замонлар ўтди, дунё- заминга қанчадан-қанча насллар келиб кетди, бобокалон шоир ғоялари ҳаёт ва унинг тараққиёти учун эзгулик ва унинг камолот учун хизмат қилиб келди. Замонлар ўтса ҳамки, Навоий ғоялари, орзу умидлари безаволлигича қолди. Айни фазилатлари, хусусиятлари билан "Сабъаи сайёр" ҳам мангу обида сифатида яшаб қолаверади.

## Хулоса

Хуллас, футувват – мардлик тариқати, ўзаро ёрдам, мурувват ва меҳрибонлик кўрсатиш, фидойилик ва фидокорлик илмидир. Жавонмард одамнинг сўзи ҳам, нияти ва фикрлари ҳам пок бўлган. Улар халқимиз ахлоқини тарбиялашда катта хизмат қилдилар, Жавонмардлар ахлоқи бизнинг миллий ахлоқимизга айланиши керак, чунки, футувватнинг кўп жиҳатлари одамларимиз орасида ҳануз яшаб келмоқда. Кишиларимизнинг меҳмондўстлиги, одамохунлиги, мардлиги ўша аجدодлар удумининг меросий давомидир. Яхшилик қилиш, бировнинг ҳожатини чиқаришдан яйраб-яшнаб кетадиган, борини бошқалар билан баҳам кўрадиган одамлар ҳозир йўқ дейсизми? Улар бор, улар кўп. Уларнинг ҳиммати, шарофати туфайли ҳаётимиз файзли ва баракалидир. Албатта, ўзим бўлай деб, ҳаром йўллар билан бойлик орттираётганлар ҳам анча. Лекин, халқимиз қалбидаги саховат ва олийжаноблик хислатлари ўзимбўларчилик майлидан устундир. Агар ҳар бир одам ўзгалар учун интилса, бошқаларнинг ғамини еса, унда бутун жамият бир-бирига ёрдам берадиган, бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган саховатли, мард ва пок одамлардан ташкил топиб, ҳаётимиз яна ҳам файзли, нурли бўлмайдами? Сиз бировга яхшилик қилсангиз, у бошқа бировга яхшилик қилади. Шу тариқа, хайру барака, эзгу одатлар тантана қилиб боради. Аждодларимиз шу улуғ мақсадга бел боғлаб яшаганлар ва дунёга ном таратган эдилар.

Ҳар бир миллат адабиёти ўз даҳоларига эгадир. Навоий ўзбек адабиётининг гултожи сифатида ўз асарлари билан миллат адабиётини безаб турибди. Алишер Навоийнинг асарлари қаҳрамонлари ҳаётгийлиги билан китобхонга яқин бўлади.

Адабиётимизга футувват таълимотининг таъсири албатта Алишер Навоий асарлари улуши билан салмоқлидир. Шунини айтиш жоизки, футувват таълимоти адабиётимизга, маданий ҳаётимизга, бадиий ижодга анча катта

таъсир кўрсатмасдан қолмаган. Умрини яхшилар хизматига бағишлаган, фақат эзгуликни ўйлаган, эзгу хулқ-атворга эга бўлган, ўзида борини дўстлар ва ўзгалар билан баҳам кўрган, муҳтожлар ҳожатини чиқарган, пиру устозлар, дўст-биродарлар номуси, шарафини ҳимоя этиш билан шуғулланганлар ҳаётини тасвирлаш адибларимиз учун ҳам жуда қизик бўлгани шубҳасиздир.

Алишер Навоий ҳам ўзининг асарларида, жумладан, “Сабъаи сайёр”да футувватли қаҳрамонларни тасвирлашга ҳаракат қилганлар. Улар тасвирлаган ижобий қаҳрамонлар табиатида футувватли кишиларга хос бўлган эзгуликларни кўришимиз мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат яхшилик қилиш Навоий қаҳрамонларининг бош мақсадидир.

“Сабъаи сайёр” достони Навоийнинг “Ҳамса” достонига кирувчи беш достондан биридир. Асарнинг тузилиши ҳикоя ичида ҳикоя кўринишидадир. Асар Баҳромнинг ишқи ҳақида ва бу ишқ йўлида бўлган турли машаққатлар тасвирланади. Шох Баҳром тасвирланган бу достон Низомийнинг “Етти гўзал”, Хисрав Дехлавийнинг “Саккиз жаннат боғи” қаторида ёзилган достондир. Аммо Алишер Навоийнинг бу достони алоҳида мустақил достондир. Яъни бирор бир достоннинг туркийдаги таржимаси эмас, ўзига хос сюжетга эга. Шох Баҳром бу достонда бошқаларидан фарқли томонлар билан акс эттирилган.

Асардаги ровийлар тилидан айтилган ҳикоятлар қаҳрамонлари ҳаётимизда учрайдиган иллатларни ҳам очишга хизмат қилади. Биз салбий қаҳрамонлар образида камчиликларни йўқотиш кераклигини англасак, ижобий қаҳрамонлар орқали ҳаётда фақат яхшиликларни ўйлаб яшаш кераклигини билиб олишимиз мумкин.

Навоийнинг бошқа адиблардан фарқи ҳам достонларида ҳаётийликка кенг ўрин берганидир. “Сабъаи сайёр” достонида ҳам Навоийнинг Низомий, Дехлавий ёзган достонлардан фарқли жиҳатларни юксак маҳорат билан тасвирлаган. Навоий достонлари, жумладан, “Сабъаи сайёр” достонида

инсонийлик ғояларининг улуғланиши футувват таълимотини кенг берилишига асос бўлган. Навоий ижодидаги ҳар бир асар бугунги кун учун ҳам қимматли ва эъзозлидир.

1. Футувват – мардлик тариқати, ўзаро ёрдам, мурувват ва меҳрибонлик кўрсатиш, фидойилик ва фидокорлик илмидир.

2. Футувват таълимоти адабиётимизга, маданий ҳаётимизга, бадий ижодга анча катта таъсир кўрсатмасдан қолмаган. Адабиётимизга футувват таълимотининг таъсири албатта Алишер Навоий асарлари улуши билан салмоқлидир.

3. Алишер Навоий ўзининг асарларида, жумладан, “Сабъаи сайёр”да футувват таълимотининг қонун-қоидаларини ўзида мужассамлаштирган қаҳрамонларни тасвирлашга ҳаракат қилган. Шоир тасвирлаган ижобий қаҳрамонлар табиатида футувватли кишиларга хос бўлган эзгуликларни кўришимиз мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат яхшилик қилиш Навоий қаҳрамонларининг бош мақсадидир.

4. Алишер Навоий гарчи жавонмард номи билан махсус ҳикоя ва образ яратмаган бўлса ҳам, Фарҳод, Масъуд, Саъд, Фаррух, Искандар, Шопур, Муқбил сингари ҳақиқий жавонмардлар тимсолида ўзининг бу масалага доир қарашларини етарли даражада ифодалай олган.

5. Алишер Навоийнинг бу борадаги эҳтиёткорлиги ортида жиддий сабаб ётади. Маълумки, жавонмардлик мафқураси сарбадорлар ҳаракатининг асосий ғоясини ташкил этган.

6. Сарбадорлар (ҳуруфийлар сингари) билан темурийлар ўртасидаги жиддий муносабат Навоийга яхши маълум эди. Бинобарин, ота-бобосидан тортиб шу хонадонга содиқ қолган Навоий ана шундай нозик масалада эҳтиёткорлик кўрсатиши табиий ҳолдир.

7. Бироқ Навоий асарларини футувват нуқтаи назаридан кузатиши асосида нафақат унинг жавонмардларга нисбатан чуқур муҳаббатини ҳис этиш, балки футувват мафқурасининг дастурини ҳам тўлиқ тиклаш мумкин.

8. Навоий дostonлари, жумладан, “Сабъаи сайёр” дostonида инсонийлик ғояларининг улуғланиши футувват таълимотини кенг берилишига асос бўлган. Навоий ижодидаги ҳар бир асар бугунги кун учун ҳам қимматли ва эъзозлидир.

9. Жавонмард одамнинг сўзи ҳам, нияти ва фикрлари ҳам пок бўлган. Улар халқимиз ахлоқини тарбиялашда катта хизмат қилдилар, Жавонмардлар ахлоқи бизнинг миллий ахлоқимизга айланиши керак, чунки, футувватнинг кўп жиҳатлари одамларимиз орасида ҳануз яшаб келмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 99-104.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайдди. –Т.: Ўзбекистон, 2006.
4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
5. Каримов И.А. Адабиётга эътибор, маънавиятга эътибор. // Ўзбек адабиёти ва санъати. – 2009. 3 июль.
6. Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 353-бет.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 64 бет.
9. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1981.
10. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 2006.
11. Алишер Навоий. Хамса. – Т.: ЎзФА Тил ва адабиёт институти, нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев, 1960. 67-бет.
12. Абу Муслим жангномаси: (Достони Абу Муслим соҳибқирон). Китоб 1. – Т.: Ёзувчи, 1992. – 224 б. – (Халқ китоблари).

13. Абу Муслим жангномаси: (Достони Абу Муслим соҳибқирон). Китоб 2. – Т.: Ёзувчи, 1995. – 144 б. – (Халқ китоблари).
14. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. Ж.9. – Т.: Фан, 1992. – 354 б.
15. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр (Насрий баёни билан). – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 544 б.
16. Алишер Навоий “Хамса”си. Мақолалар тўплами. Тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986. – 143 б.
17. Адабий меросимиз уфқлари. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 240 б.
18. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 346 бет.
19. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Тошкент: Фан, 1985. – 634 бет.
20. Алишер Навоий “Хамса”си. Тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986.
21. Айний Садриддин. Асарлар. Мақолалар. – Т.: Гафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967.
22. Абдуғафуров А. Навоий сатираси. 1-китоб.– Тошкент: Фан, 1966.
23. Авазов С. Саховат – салтанат шарти //Хоразм ҳақиқати. – 1991. – 4 июль.
24. Акромова С. Алишер Навоий асарларида комил инсон талқини // Халқ таълими. – 2009. – № 4. – Б. 115–117.
25. Алишер Навоий: (1441-1501) Ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот // Ўзбек шеърляти анталогияси. – Т.: 2. Классик шеърлят. – Т.: 1961. – Б.155-159.
26. Бертельс Е.Э. Суфизм ва суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – 524 с.
27. Бертельс Е. Э. Навоий ва Шарқ адабиёти / Тарж. У. Абдуллаев // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1941. – № 5. – Б.16-24.; Жаҳон адабиёти. – 2006. – № 2. – Б.135-141.

28. Болтабоев Х. Мумтоз сўз қадри. Адабий-илмий мақолалар. – Т.: Адолат, 2004. – 191 б.
29. Баркамол авлод йили давлат дастури. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
30. Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. – Т.: Мерос, 2003. – Б. 129-185.
31. Валихўжаев Б. Комил инсон – комил жамият. // Маърифат. – 2002. – 23 янв. – Навоий талқинида.
32. Жумаев Н. Навоий ижодида комил инсон масаласи. // Маърифат. – 2010. – 6 февр.
33. Жомий Абдурахмон. Нафаҳот ул-унс. – Т.: Маънавият, 2001. – 156-бет.
34. Зоҳидов В. Навоий ва нақшбандийлик. //Ўзбек тили ва адабиёти. – 1968. – № 3. – Б. 16-20.
35. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. –Т.: Ўзбекистон, 1970.
36. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. – Т.: Бадиий адабиёт, 1969. – 412 б.
37. Исҳоқов Ё. Ўзбек адабиёти ва нақшбандия таълимоти. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.
38. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 168 бет.
39. Исҳоқов Ё. Хожа Ахий фақат сахийми?: Навоийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларига доир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1985. – 31 дек. – “Сабъаи сайёр” достонидан.
40. Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 168 бет.
41. Исҳоқов Ё. “Исми ҳам жисмига монанд: “Сабъаи сайёр” достонининг “Меҳр ва Сухайл” ҳикоясидаги Жобир образи ҳақида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1985. – 16 авг.
42. Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Н.Иброҳимов таржимаси. – Т.: Маънавият, 1993.
43. Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. –Т.: Ёзувчи, 1996.

44. Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб. –Т.: Ёзувчи, 1999.
45. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Шарқ, 2009.
46. Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т.: Маънавият, 2005. – 317 бет.
47. Каримов Н. Саховат инсоният боғининг мевасидир // Халқ сўзи. – 1997. – 1 февр.
48. Комилов Н.,Оқбўтаев Б. Адолат ва саховат куйчиси: Алишер Навоий ижоди ҳақида. // Қонун ҳимоясида. – 2003. – № 2. – Б.15-17.
49. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб. –Т.: Ўқитувчи, 1976.
50. Маллаев Н. Сўз сеҳрининг гултожи. –Т.: Ўқитувчи, 1987.
51. Маллаев Н. Гениал шоир ва мутафаккир. –Т.: Фан, 1968.
52. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. – 383 б.
53. Маллаев Н. Навоий ижодиётининг халқчил негизи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 174 бет.
54. Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 149 бет.
55. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 77 бет.
56. Матёқубова Т. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди. –Т.: Фан ва технология, 2010.
57. Муҳаммад Қози. Тухфат ул-соликин. Б.Валихўжаев таржимаси. –Т.: Фан, 29-бет.
58. Навоийга армуғон. Журнал. Низомий номидаги ТДПУ. –Т.: Фан, 2004.
59. Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами. – Т.: Фан, 2001. – 198 б.
60. Навоий асарлари учун луғат. – Тошкент Адабиёт ва санъат, 1971. – 784 бет.
61. Ойбек. Навоий гулшани. Навоий ҳақида мақолалар. – Т.: 1967.

– 149 б.

62. Очилов Э. Навоий ғазалларида комил инсон тимсоли. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2001. – 1-сон. – Б. 7-14.
63. Очилов Э. Ўзбек мумтоз адабиёти ва тасаввуфни ўрганиш муаммолари. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2003. – 2-сон. – Б. 57-60.
64. Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 214 бет.
65. Султонмурод Олим. Навоий ва Нақшбанд. – Т.: Ўқитувчи, 1993.
66. Султонмурод Олим. Беҳудуд майдон // Навоийга армуғон. К. 3. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2003. – Б. 89.
67. Султонмурод Олим. Мурувватнинг мағзи ёки саховатнинг беш мақоми // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 6 февр.
68. Салоҳий Дилором. Навоийни қандай ўрганамиз? // Маърифат. – 2012 йил 2 май. - № 35.
69. Тўраева О. Миллий кадриятларимиз фахримиз, ғуруримиз. –Т.: Чашма принт, 2007.
70. Турар Усмон. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999. – 180 бет.
71. Шайхзода М. Асарлар. Олти жилдлик. Ж.4. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – 326 б.
72. Эргашев И. Миллий истиқлол ғояси. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. –Т.: Академия, 2005.
73. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. Ж. 2. – Т.: Фан, 1977. – 460 б.
74. Қаюмов А. Ҳайрат ул-аброр талқини. Асарлар. 1-жилд, 1-китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2008.
75. Қаюмов А. Ишқ водийсининг чечаклари. 1-жилд, 2-китоб. –Т.: Мумтоз сўз. 2008.
76. Ғуломова Н. Мурувват борча бермақдир.: Алишер Навоий асарлари

хусусида // Маърифат. – 2004. – 7 сент.

77. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. –Т.: Ўқитувчи, 1993.
78. Ҳомидов Ҳ. Тасаввуф алломалари. –Т.: Шарқ, 2009. – 208 б.
79. Ҳаққулов И. Навоийнинг ижод олами. –Т.: Фан, 2001.
80. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. – Т.: Ўқитувчи, 1991.
81. Ҳаққулов И. Абодият фарзандлари. – Т.: Фан, 1991.
82. Ҳаққулов И. Шеърият – руҳий муносабат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 240 бет.
83. Ҳаққулов И. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро: 2000. – 143 бет.
84. Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва таракқиёти. Филол.фанлари д-ри ...дис. – Т.: 1995. – 282 бет.
85. Ҳаққулов И. Навоийга қайтиш // Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур: Эсселар ва адабий танқидий мақолалар. – Т.: 2007. – Б.109-160.
86. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. – Т.: Ўқитувчи, 1985.
87. Ҳайитметов А. Илк навоийшунослар. // Навоийга армуғон. К. 2. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2000. – Б. 7-15.

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИГА ОИД АТАМА ВА  
ТУШУНЧАЛАРНИНГ ЎЗБЕКЧА- РУСЧА - ИНГЛИЗЧА ЛУҒАТИ

**Таянч сўзлар**

№	ЎЗБЕКЧА	РУСЧА	ИНГЛИЗЧА
---	---------	-------	----------

Айёр	хитрый	Cunning fellow
Айёра	хитрая	Cunning gire
Ахийлик	ахийство	Axiy
Адабий таъсир	Литературное влияние	Literary effect
Адабий мухит	Литературная среда	Literaty envivonment
Азалий ва абадий	Древний и вечный	Old, ancient
Бадий ижод	Художественное творчество	Artistic creation
Ботиний	скрытый	Innerical
Бокарам	сверхчистый	Bokaram
Вужудий	телесный	Bodical
Вараъ (пархез)	диета	Diet
Вали, авлиё	святой	Monitor
Дарвеш	дервиш	Darvish
Дўст	друг	Friend

Жавонмардлик	Доблесть, мужество, благородство, щедрость	Bravment
Жавонмард/Жўмард	Доблестный, благородный, мужественный, щедрый	Brave
Зухд (тақво)	набожность	
Зохирий	явный	Evidential
Карам	милость	Generosity
Мумтоз адабиёт	Классическая литература	Classical literary
Маҳорат	мастерство	Skill
Мардлик тариқати	Учение доблести	Doctrine of bravement
Мурувват	милосердие	Humanity
Мурид	ученик	Servant
Мискин	бедный	Poor, needy
Нақиб	накиб	Nakib
Нақшбандия тариқати	накшбандизм	Doctrine of Nakshbandiya
Одоб	Воспитанность, воспитание	Civility
Олийжаноблик	Великодушие, благородство	Nobility

Пир	Пир, святой наставник	Preceptor
Сарбадор	предворитель	
Сукра	сукра	Sukra
Сахий	щедрый	Generous
Саховат	щедрость	Generosity
Сўфий	суфи	Sufi
Тасаввуф	суфизм	Tasavvuf
Тасаввуф адабиёти	Литература суфизма	Literature of tasavvuf
Таъма	Корыстолюбие, алчность	Gfeed
Тасаввуф таълимоти	Учение суфизма	Doctrine of tasavvuf
Тариқат	учение	Doctrine
Футувват таълимоти	Учение футувват (духовного рыцарства)	Doctrine of futuvvat
Фатий	фатий	Fatiy
Хонақоҳ	келья	Interian chamber
Шотир	помощник	Attendant
Шайх	шейх	Sheik (h)
Эътиқод	вера	Faith
Эран	мужланы	Kran

Ғоя	идея	Idea
Ҳақпарастлик	набожность	Truthfulness
Ҳиммат	великодушие	generosity